

# Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри  
Мулоқот учун E-mail: [erkinyurt@uzxalqharakati.com](mailto:erkinyurt@uzxalqharakati.com)

#29 11.05.2012



## 13 МАЙНИНГ БОШ ЖИНОЯТЧИСИ И.КАРИМОВ ХАЛҚАРО СУДГА БЕРИЛАДИ

“Озод Ўзбекистон Дўстлари” ташкилоти Андижон қатлиомининг 7 йиллиги муносабати билан баёнот эълон қилди. Ушбу ташкилот 2005 йил 12-13 майда Ўзбекистонда содир этилган Андижон қатлиомида 3000 тинч аҳолининг ўлдирилишининг 7 йиллиги муносабати билан Истанбулдаги “Мазлумдер” инсон ҳақлари халқаро жамияти биносида матбуот анжумани ўтказди. Утган ҳафта Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Туркия бўлими, “Ўзбеклар бирлиги” жамияти, Мазлумдер, Ҳикмат вақфи, Шарқий Туркистон маориф вақфи, Маърифий Тадқиқотлар вақфи, Қуддус Медиа гуруҳи, АҚДАВ, Имкандер, Узгурдер, Раҳматдер, Умрон вақфи, “Пинар” нашриёти, Dinyabizim.com ахборот хизмати, Фуқаровий ҳамкорлик гуруҳи, “Баён” маданият ва маориф маркази ва бир қатор мустақил фаолларнинг биргаликда ташкил этгани “Озод Ўзбекистон Дўстлари” ташкилотининг анжуманида аввал Ташкилот Бош Котиби, ёзувчи Бурҳон Қовунжу янги ташкилот ҳақида қисқа маълумот берди. Ўзбек мухолифати, ўзбекистондаги диктаторлик тузумини ўзгартириш учун қийин шароитларда мужодала этаётганини таъкидлаган Қовунжу “Озод Ўзбекистон Дўстлари” ташкилотининг адолат ва озодлик, бирлик ва ҳамжиҳатлик учун курашган халқ билан бирга

бўлажagini урғулади. Сўнгра Ташкилот аъзоси, ЎХХ мувофиқлаштирувчиси Н. Нормўмин янги Ташкилотнинг матбуот билдиришномасини ўқиб эшиттирди. Н.Нормўмин 2005 йил 12-13 майда Андижонда қатл этилган 3000 инсоннинг Каримов қуроли кучлари тарафидан ўққа тутилганини айтди. Мустақилликдан сўнг тахтга ўтирган Каримов иқтидорининг илк кунлаариданоқ мухолифларига қарши таъқиб ва таъқиқларни бошлаб юборганини айтган Н.Нормўмин, “Иқтидорининг 10-йилига келиб Каримов, ўлкамизни инсон ҳақлари поймоли, сохта маҳкамалар ва қийноқлар оддий ҳолга айлантирилган бир полиция давлатига айлантирди” – деди. – “Шу кунда Ўзбекистон қамоқхоналарида 50 000 сиёсий маҳкум бор. Мухолиф фикрдаги фуқаролар бирин-кетин давлат тарафидан ўғирланмоқда. Бугун Ўзбекистон халқи жон бошига 30 доллар ойлик маошга кун кўрмоқда, қашшоқлик ва ишсизлик ботқоғига ботган бир аҳволдадир. Миллионларча ўзбек чет элларга қул мақомида сотилмоқда ва ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя этилмагандир. Ваҳоланки, аҳолининг учдан бири ёшлар экан, йилда 5 миллион норасида пахта плантацияларида ишлатилади, олтин ва газ ишлаб чиқариш бўйича дунёда

энг юқори ўринларда саналган Ўзбекистоннинг аҳолиси бу бойликлардан мутлақо фойдалана олмайди. Улканнинг барча бойликларини фақат Каримов ва унга яқин бўлган бир ховуч амалдорлар эгаллагандир”. Намоз Нормўмин Каримов қатлиомига халқаро жамоатчиликнинг сассиз қолганини айтиб, “Андижонда инсонларга қарата ўқ отиш амрини шахсан Каримов берганлигини унутмаслик керак. Ўзбек халқини қатлиом этганлар эртами-кечми, бу жиноятлари учун жавоб берадилар! Биз, “Озод Ўзбекистон Дўстлари” ташкилоти диктатор Каримовдан зулмининг ҳисобини сўраяжак халқаро микёсда жавобгарликка тортиш фаолиятини амалга оширишни мақсад қилганмиз” деди. “Озод Ўзбекистон Дўстлари” ташкилоти, 11 Май соат 10.30 да Истанбулда Андижон қатлиомининг 7 йиллиги муносабати билан халқаро ташкилотлари ва Туркия ҳукуматида, БМТнинг Истанбул шубҳасига Ўзбекистон ҳукуматининг жиноятлари ҳақида ҳозирланган айбнома матнини тақдим этади.

ЎХХ Туркия бўлими



**turkiston.tv**  
**интернет-радио**

**radio.turkiston.tv**

**ЖОНЛИ ЁЙИНЛАРИ!**

Ҳафтанинг ҳар шанба куни Тошкент вақти билан 21:00 да [turkiston.tv](http://turkiston.tv) радиосида “Эркин Мавзу” дастурини жонли ёйинда тинглай оласиз.

Бу шанба эфир мавзуси -  
**“13 МАЙ ҚАТЛИОМИ”**  
[radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv)

жонли эфирига савол ва таклифларингизни ушбу манзилларга йўллашингиз мумкин:

Web: [radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv)

Skype: [turkiston.tv](http://turkiston.tv)

E-mail: [radio@turkiston.tv](mailto:radio@turkiston.tv)



## НЕСКОЛЬКО СЛОВ О ВОИНСТВУЮЩЕМ АТЕИЗМЕ

Хочу предупредить: я мусульманин, но не миссионер и пропагандой религии не занимаюсь. Все то, что здесь сказано мной об исламе, отражает мое субъективное мнение. Я не горжусь своим мусульманством и не ставлю себя выше кого-либо, поскольку мое мусульманство – не моя заслуга, а награда Аллаха. Когда редактор сайта “узноснет” звонила мне и интересовалась по поводу принятия ислама правозащитницей Урлаевой, я не придавал должного значения этому вопросу, ответил по существу и кратко.

Когда она спрашивала о причине о моей “исламизации последних лет”, насторожился, но снова как и прежде, не придавал её вопросу должного значения, сказав лишь что, это – чушь.

Но когда я обнаружил себя в центре атак наймитов-атеистов, которые клеймили меня в неслыханных грехах, я понял что имею дело с агрессивными сторожами ценностей запада “от внешних сил”. Следивший за деятельностью сайтов типа узноснет читатель без труда может обнаружить в нем четкую тенденцию антисламского направления.

Это сайт, хотя и малоизвестный, вполне вписывается в список коалиции негосударственных центров, подчиняющихся “общей стратегии борьбы против распространения ислама в Европе”. Как известно, религиозная нетерпимость Европы утратила свои религиозные корни параллельно с ослаблением христианства. А к концу 18 века, с веком Просвещения, она трансформировалась в свою противоположность – в атеизм. Если

в век Инквизиции богобоязненная Европа жгла религиозно инакомыслящих на кострах с помощью попов, то сегодня она наказывает верующих – не имеет значения христиан или мусульман – с посредством наймитов-атеистов. Атеизм сегодня самая агрессивная религия, потому что в ней нет никаких законов удерживающих людей от их желаний, какими бы они, эти желания, ни были. Атеист поклоняется своему уму, его способности сомневаться во всем, в первую очередь, в законах. В законах любых, особенно божественных.

Вера атеиста зиждется на уверенности в том, что он сам себя создал (как материя) и сам себя уничтожит. Атеист сомневается во всем буквально, кроме одного: в том что нет бога.

Поэтому агрессия атеиста сокрушительнее, чем агрессии других типов мироприятия. Вспомните 20 век – вторую мировую войну, резни на этнической почве, политические репрессии.

Во всех войнах и репрессиях прошлого тысячелетия не были убито столько людей, сколько убито за период войн и репрессий, навязанных миру атеистами Гитлером и Сталиным.

Каждый атеист своего рода инквизитор, осуждающий и выносящий приговор “еретикам”. Еретик, в данном случае, верующий в единого бога.

Логика обвинения у них всегда аллоична, как во времена Инквизиции. Например, один из моих критиков- атеистов в сайте “узноснет” называет меня “аморальным”, наверное, за мою позицию:

за то, что я отказался от спора с **женщиной,**

**что я возвожу воспитание детей в ранг государственной службы, что я считаю женщину слабым полом,**

**что я выступаю за цивилизованную изоляцию гомосексуалистов, что я не атеист, что я верю в бога.**

А редактор сайта по радио “Озодлик” меня призывает благодарить её за то, что меня “не арестовали и не пытали за отказ спорить с редактором сайта”. У

этих людей не только мозги, но и души набекрень.

Сайт “узноснет” опубликовал не менее десяти статей “о последствиях” моего приглашения правозащитницу Урлаеву в Турцию и ещё десять – по поводу моего отказа со своей редакторшей спорить об этом. В добавок, редакторша пригрозила общественность обсуждать эту тему лет пять-шесть, если в том будет надобность. И цель всей этой сумасбродной “акции” была очернить “исламиста М.Салиха”. Они думают, что цель достигнута, а они достигли лишь своего дна – дальше некуда пасть. Уровень (на) падения был очень низким. Я закрываю эту тему, с надеждой больше не возвращаться к ней никогда.

Список произведений сайта воинствующих атеистов на эту тему:

1. [Салих и его аргумент о покушении на ислам](#)
2. [Гаджибаева подтвердила свое интервью о Салихе и Урлаевой](#)
3. [В Намангане обсуждают отказ Салиха от дебатов](#)
4. [Почем Салих избегает дискуссии?](#)
5. [Шахида Якуб о политике и женском вопросе](#)
6. [Обид-кори не сказал ни слова в защиту свободы слова](#)
7. [Обид-кори проклинает насильников в Кыргызстане](#)
8. [Шведское раздолье узбекских имамов](#)
9. [Защитим Обида-кори Назарова – Аллаху Акбар!](#)
10. [Письмо Обида-кори Назарова](#)
11. [НДУ – угроза демократии в Узбекистане](#)
12. [Мухаммад Салих: “Елена приняла ислам”](#)
13. [Салих отказался от дебатов с Бухарбаевой](#)
14. [Мухаммад Салих хочет изолировать гомосексуалистов](#)
15. [Гаджибаева: Салих виновен в помешательстве Урлаевой](#)
16. [В Берлине состоялся Курултай оппозиционного НДУ](#)
17. [Мухаммад Салих: «Каримов сам не уйдет»](#)
18. [НДУ хочет пойти на Каримова, но не может рывкнуть даже на Норова](#)
19. [НДУ – угроза демократии в Узбекистане](#)
20. [Елена Урлаева: меня чем-то опоилю](#)
21. [Сказать Каримову “Етар!” не получилось](#)

Мухаммад Салих

Ўзбекистонда бир демократик жамият пайдо бўладими?

Бу савол ҳозирда кўпчиликни кийнаб келмоқда ва кўпчилик кўп фикрларни билдираркан, ундан умумий хулоса ясайдиган бўлсак, Ўзбекистонда демократик тузим барпо этиш ҳеч бир сиёсий ва ижтимоий гуруҳ режаларида мавжуд эмасдек.

Демократия - юнон тилидан олинган жумла бўлиб, бу халқ ҳокимияти демакдир.

ҳуқуқлари ҳуқуқбонларнинг ҳимоясида бўлади. Жумладан, айни дамларда кимлар учундир катта масала кўрилайётган бесоқолбозлар озчилиги ҳам.

Ўзбекистон деб аталадиган юрт аҳлининг 90 фоизи мусулмонлардан иборат экан, эртадир, ёки кеч, бу юртда демократик ўзгаришлар содир бўлса қайсидир бир ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқлари поймол қилина бошланиши масаласи кун

Статистик маълумотларга кўра, биргина АҚШ ўзида бесоқолбозлар умум аҳолининг 22 %дан ортигини ташкил этаркан. Демак, бу мамлакатда ҳокимиятга келадиган партия учун бу тоифа гуруҳлари билан ҳисоблашиш муҳим экан. Бу тоифанинг ҳарбий хизматга олиниши эса бутунлай бошқа муаммо билан боғлиқ. Америкаликлар дунёда нафақат илмий салоҳияти, ёки ишлаб ичкариш қудрати билан, балки семизларнинг кўплиги билан

## ЎХХГА ҚАРШИ ҚОРАЛАШ КАМПАНИЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Демократия атамасининг антоними сифатида диктатура, ёки тоталитар режимлар кўрилади. Уларда ҳокимият якка шахс, ёки кичик бир сиёсий гуруҳ томонидан бошқарилиб, бу бошқарув жамиятнинг ҳар бир соҳасида, ҳаттоки одамларнинг шахсий ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга бўлади. Масалан, собик СССРда бўлгани каби.

Халқ ҳокимияти билан диктатура орасидаги фарқ нимада? Эслайлик, Собик Совет Иттифоқи ҳам расман халқ ҳокимияти эди ва у даврини ҳозирда биров демократик ҳокимият даври эди деб ёдга олмайди. Ҳар бир ҳукумат қонунларида халқ манфаатларини кўзласада, аслида бир гуруҳнинг, ёки Ўзбекистондаги каби якка ҳукмдорнинг оиласи манфаатларини кўзлайди.

Бунда кўпчиликнинг ҳуқуқлари поймол қилинади. Аммо халқ ҳокимиятида ҳам кичик миллий, сиёсий, ёки ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқлари поймол қилиниши мумкин. Энди демократик мамлакатлар ичкарисида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқбонлик ташкилотлари фаолиятига назар ташласангиз, бирмунча фарқни кузатиш мумкин. Улар асосан кўпчилик томонидан озчиликни ташкил этувчи қатламлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишади ва бунда кўпчилик томонидан катта ҳурмат ва эътибор қозона олишмайди. Озчилик деганда нимани, ёки кимларни тушунамиз? Ер юзида яшайдиган одамларнинг ҳар бири қайсидир бир озчиликга таълуқлик бўлади.

Масалан, дейлик ”тепакаллар” озчилиги. Ёки аксинча, сочи узунлар озчилиги. Сиёсий қарашлар озчилиги. Миллий озчиликлар ва диний озчиликлар ва ҳақозо, ҳақозо озчиликлар. Ҳаттоки икки кўзи ожизларни “кўзи ожизлар” озчилигига кўшсак, бир кўзи ожизларни “бир кўзи ожизлар” озчилигига кўшиш мумкин.

Демак, демократик жамиятларда мана шу сингари турфа озчиликларнинг

тартибига чиқади. Бесоқолбозлар, ёки бир жинслик никоҳлар, ёинки, арокхўрлар... Борингки, Исломи дини нени маъна этса ўша тоифадаги озчиликлар ҳуқуқларининг поймол қилиниши кузатилиб қолиши мумкин. ЎХХ ўзининг сиёсий платформасини қураётган экан, мамлакат фуқароларининг диний эркинларга эга бўлмоқлигини ҳам асосий эркинликлардан бири сифатида кўрмоқда.

Халқ ҳокимияти ўрнатилди дегани – бу халқнинг иродаси билан ҳисоблашадиган ҳукуматнинг давлат тепасига келди деганидир. Ўзбекистонда халқнинг иродаси бир жинслик никоҳларнинг жорий этилинишига тоқат қила олмайди ва масаланинг мана бу жиҳати билан ҳисоблашмасликнинг имкони ҳам йўқ. Қизиғи шундаки, Ўзбекистон бесоқолбозлари келажагидан қайғурайётган бу “сиёсатдонлар” нинг бирортаси Ўзбекистон қамоқларида умри поёнига етаётган мусулмонлар тақдирини бирор жумла билан бўлсин, эслаб ўтишни ҳам исташмаяпти. Нега? Гап шундаки, баъзи ўзини “сиёсатчи”, ёки “журналист” биладиган кимсалар учун на ўзбек миллий қадриятлари ва на диний қадриятларнинг аҳамити бор. АҚШ нинг, ҳамда тагин бир неча тараққий этган Европа мамлакатларининг сўнги дамларда ҳокимиятга келган президентлари, ёки бош вазирлари айнан мана шу табақалар ҳуқуқлари масалаларини президентлик пойгаларида илгари суриб келишмоқда.

Масалан, АҚШ президенти Б.Клинтон даврида бесоқолбозлар армия хизматида бориш ҳуқуқларини қўлга киритишган бўлишса, Б.Обама даврига келиб улар ўзларининг жинсий қониқиш ҳисларини ошқора айтиш ҳуқуқларига эга бўлдидлар. Демакки, қонунлар уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бу президентлик пойгасида ғалабага эришиш учун муҳим бир омил бўлган.

ҳам машҳурдир. Мамлакат ҳар йилда ўз ҳарбий қудратини ошириб боришга эҳтиёж сезаёти. АҚШ армиясида семизлар хизмат қила олмайди ва бунинг учун илгарилари ҳарбий хизматга қақирилмаган бесоқолбозларга ҳам ҳарбий хизматга бориш имконларини яратиш зарурати пайдо бўлди.

АҚШ да бу тур одамларнинг ҳуқуқлари масаласи кун тартибидеги долзарб масала бўлишига сабаб ҳам, бесоқолбозларнинг кўпайиб кетганлиги бўлди. Ўзбекистонда ҳам шундай вазият кузатиладими? Йўқ ва бунинг учун фақат қувониш керак. Миллатнинг ўзлигидан, унинг миллий анъаналаридан келиб чиқиб айтиладиган бўлса, бесоқолбозлик каби жирканч бир иллат ўзбекларга ва Ўзбекистонга бегона эканлиги аён бўлмоқда. Балки бу тоифалар ҳам бордир, лекин улар бармоқ билан санарли даражада кам.

Уларни изоляция қилиш ЎХХ га нима учун зарур бўлди экан? Ўз ҳаётини ва ўз келажагини ўзи ҳал қила олиши учун ҳам халқ ҳокимияти зарур. Бесоқолбозларни доволаш, ёки уларни жамиятдан изоляция қилиш эса мана шу жамият учун зарур бўлган чора бўлади.

Акс ҳолда уларнинг хурмача қилиқлари бошқаларга ҳам ўтиб кетиши, жамоатчилик орасида кенг тарқалиши келажак авлодлар ҳаётини булғаб ташламаслигига бирор ишончлик далил йўқ!

Нега энди бу масала Ўзбекистон ҳукуматида “муҳолиф” бўлган нашрлар, ёки айрим “сиёсий” гуруҳлар учун муҳим бўлгани сабаби эса, унинг ёрдамида ЎХХни ёмон отли қилиб кўрсатиш амалиёти ётганидир. Фақат олдинда турган улкан бир ғов, тагин ўша ўзимизнинг “қадрдон” дикторимиз Исмоил Каримовдир! Қизик, нега бизникилар ҳали ўлдирилмаган айиқнинг терисига талашадилар?

Тўлқин Қораяв

Жорий йилнинг 23-апрелида Истанбулда ЎХХ Туркия бўлими ва Туркияда яшашга мажбур қолаётган ўзбекистонликларнинг “Ўзбеклар бир-лиги” номидаги жамияти биргаликда “Ўзбекистон халқи диктаторликдан қандай қутулади?” шиори остида “Эркин Ўзбекистон халқаро конференцияси”ни ўтказди. Бу ҳақда Туркия мабуот воситалари ва “Озодлик” ҳамда ББС радиолари ўзбек бўлимларининг кунлик дастурларида хабар тарқатилди. Биз мазкур мақолада ўша анжуман ҳақида бир мунча тўлароқ маълумотлар беришни ният қилдик. Конференция, Истанбул шаҳарида жойлашган ва шаҳар ҳокимиятига қарашли Али Амири Қурултойлар Марказий Саройида ўтказилди. Конференцияга таклиф қилинганлардан 170 киши унда қатнашишни лозим топишди. Уларнинг кўп қисми Туркияликлар бўлиб, Ўзбекистонликлар, Шарқий Туркистонликлар ва турли хил сабаблар билан Туркияга келиб қолган янги ва эски Марказий Осиё (Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозғистон)ликлардан ҳам вакиллар бор эди. Конференция бир кун давом қилди.

#### Конференциянинг дастури.

Конференцияда нутқ сўзловчилар: Туркиядан ташқаридан келганлар: 1. Крейг Мюррей\* (Британия), “Самарқандаги қотиллик” китобининг муаллифи, Британиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, 2. Муҳаммад Солиҳ\* (Норвегия), Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ва Ўзбекистон “Эрк” партиясининг раиси, 3. Намоз Нормўмин (Норвегия), Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Муассислар мажлиси аъзоси, 4. Алибой Йўляхши (Норвегия), Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Туркия бўлими бошлиғи,

#### Туркиядан иштирокчилар:

1. Буланд Йилдирим, ИХХ раҳбари,
2. Аҳмад Фаруҳ Унсал, Туркия “Мазлумдор” инсон ҳақлари жамияти раҳбари,
3. Навзат Тархон, Адолатни ҳимоя қилганлар жамияти раҳбари,
4. Ридвон Қоя, “Ўзгурдор – Озодлик” жамиятининг Бош раҳбари,
5. Мурод Ўзар, “Имкондор” жамиятининг Бош раҳбари,
6. Аднан Тангриберди, АССАМ Бош раҳбари,
7. Абдурахмон Дилипок, ёзувчи, журналист,
8. Мустафо Ўзжон\*, ёзувчи, журналист,
9. Нураддин Йилдиз, ёзувчи, Ижтимоий тўқиш жамиятидан,
10. Нажоти Жайлон\*, Халқаро ҳуқуқчилар бирлиги жамиятининг Бош қотиби,
11. А.Жихон Ишбилер\*, ИДСБ бош координатори
12. Бухон Каунчи, ёзувчи,
13. Воҳид Гунеш, Туркуаз ширкатлар гуруҳининг Раҳбари,
14. Ҳидоят Ўғузхон, Шарқий Туркистон маориф жамиятининг Бош раҳбари,
15. Ҳамза Окбулут\*, ТГТВ Раҳбари,
16. Маҳмуд Кор, тадқиқотчи ёзувчи,
17. Фаруҳ Гунинди, “Саде Ҳаёт” жамияти раиси.

\* билан кўрсатилган кишилар узрли сабаблар билан конференцияда қатнаша олмадилар. Конференция мажлисини “Ўзбеклар бирлиги” жамияти раисининг ўринбосари Одам Чевик бошқарди. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Туркия бўлимининг раиси А Йўляхши кириш сўзи сўзлаб, Конференцияни очди ва конференция қатнашчиларига ташриф буюрганлари учун миннатдорчилик билдирди ва конференциядан кўзда тутилган мақсадларни қисқача баён қилди. А.Йўляхши, Ўзбекистонни Туркия халқ оммасига ва Туркия оммавий ахборот воситалари ёрдамида дунёга танитиш, конференциянинг асосий мақсадларидан бири эканлигини

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ДИКТАТОРЛИКДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛАДИ ..?



алоҳида уқтирди. Ўзбекистоннинг диктаторлик режимидан қутулиши йўлида ЎХХ олиб бораётган ҳаракатларида Туркия халқининг ва давлатининг қўллаб-қувватлаши муҳим сиёсий аҳамият касб этиши таъкидланди. Иккинчи бўлиб сўз олган ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси ва мувофиқлаштирувчиси Н.Нормўмин, Ўзбекистондаги зулмнинг даҳшатлари ва Ҳаракатимиз-нинг жорий ва келажак мақсадлари ҳамда ўтказилаётган халқаро конференция кўзда тутган мақсадлар ҳақида бир мунча батафсил сўзлади. Ўзбекистоннинг диктаторлик режими-мидан қутулиши йўлида ЎХХ олиб бораётган ҳаракатларида Туркия халқининг ва давлатининг қўллаб-қувватлаши муҳим сиёсий аҳамият касб этиши таъкидланди. Хуллас, мажлисининг дастурида кўрсатилган кишилар навбат билан сўз олишиб, Ўзбекистондаги диктаторлик режимига қарши туриш ва ундан қутулиш йўллари ҳақида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришга уринишдилар. Нутқ сўзлаганларнинг деярли барчаси, Ўзбекистондаги режим, у ердаги зулм, масалан, Тунис, Ливия ва Мисрда биров муддат муқаддам мавжуд бўлган зулмдан, бугун Суриядаги режимдан эса, яъни Асад зулмидан ҳеч ҳам фарқ қилмаслигини таъкидлаб ўтдилар ва Каримов каби золимлар режимининг умри тугаётгани ҳақида алоҳида фикр билдирдилар. Халқаро прогрессив жамоатчиликнинг бутун Туркистондаги, айниқса Ўзбекистондаги зулмга эътиборсиз қолмасликларини алоҳида уқтирдилар. Ўзбекистонда тижорий ва бошқа

маданий-маърифий иш юритган ва оқибатда мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари камоққа ташланган ва ноҳақ жазоланган, охир-оқибат, Ўзбекистондан чиқариб юборилган Туркиялик тадбиркорлардан уч киши қатнашди. Улар мажлисда сўз олиб, ўзларига нисбатан қўлланилган жазо, қийноқлар, ҳақсизликлар, қонунсизликлар, ҳуқуқсизликлар ҳақида ачиниб сўзлашдилар. Уларнинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда оддий инсонлар озодлик дейилган тушунчага ҳам эга эмаслар. Ўзларини мансабдор, давлатнинг бирор масъул кишилари деб ҳисобланганлар эса, ўғри, босқинчи мантиғида ишлайдилар. Ўзбекистонда милиция ҳам, аскар ҳам безорилар мантиғига кўра ҳаракат қилади. Туркияликлар булардан ташқари яна кўпгина зулм, таъқиқ турлари ҳақида сўзладиларки, уларни тинглаб, беихтиёр наҳоятки шу айтилганларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳаётда бўлса, деб юборади, киши. Конференцияда сўзга чиқишган қардошларнинг барчаси Ўзбекистон, у ердаги золим режим-диктаторлик ва ундан қутулиш йўллари ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар билдиришди. Туркияда ва дунёда таниқли, Туркия қуролли кучларидан нафақадаги генарал АССАМ Бош раҳбари Аднан Тангриберди ва Туркиялик таниқли замонавий журналист, ёзувчи Абдурахмон Дилипок, ёзувчи Бўрхон Коунчуларнинг нутқларини алоҳида кўрсатишни лозим ҳисоблайман. Конференцияда Ўзбекистонда диктаторлик режими ва бугунги дунёнинг ҳеч бир ерида (хатто Хитойда ҳам) учрамайдиган зулм мавжудлиги, бу зулмга қарши курашда ҳаҳон прогрессив жамоатчилигининг эътибори ва ҳамкорлиги лозимлиги ҳақида таъкидланди. Шу сабабдан Туркия жамоатчилиги кенг доирада қатнаша оладиган “Озод Ўзбекистонга ёрдамлашиш гуруҳи” тузиш мақсадга мувофиқлигини Конференция қатнашчилар қўллаб-қувватлаб чиқишди ва ўшандай гуруҳ тузилганлиги эълон қилинди. Конференция, ўз ишининг хулосаси сифатида икки ҳужжат қабул қилди: 1. Озод Ўзбекистон халқаро конференциясининг Декларацияси қабул қилинсин, 2. Озод Ўзбекистонга ёрдамлашиш гуруҳи тузилди деб ҳисоблансин. Ёрдамлашиш гуруҳининг биринчи кенгайтирилган мажлиси 05.05.2012, шанба куни ўтказилсин деб белгиланди. Озод Ўзбекистон халқаро конференциясининг Декларацияси Ўзбекистонда инсон ҳақ-ҳуқуқлари химоячилари, диктаторлик режимининг муҳолифлари ва Ислон динига эътиқод қилувчи оддий мусулмонлар давомли равишда системали оғир жазоларга маҳкум этилиб, режим тарафидан инсон эркига қарши жиноят содир этилмоқда. Масалан, 2011 йил 24-сентябрида Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг таъсисчиларидан бири, Ҳаракатнинг Раис бўлими раиси Фиаат Шоқирўғли Рустамхўжаев уйининг олди отиб кетилди.

(Давоми кейинги бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ДИКТАТОРЛИҚДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛАДИ ..?

(Давоми: боши олдинги бетда)

Озод Ўзбекистон халқаро конференциясида қатнашиши режалаштирилган Обидхон Собитхоний Назаровга ҳам бундан бир неча ой муқаддам Швецияда яшаб турган уйнинг олдида суиқасд содир қилинди ва у оғир яраланди. Ҳали ҳам ярадорнинг аҳволи оғир. Ўзбекистондаги золим режим, ёзувчиларни, журналистларни ва ўзига мухолиф партияларнинг аъзоларини қатл этишда давом қилмоқда. Омма тарафидан иззат-ҳурматга сазовор бўлган кишиларга қарши суиқасдлар ҳам давом қилиб турибди. Шу кунларда Ўзбекистонда 5 миллион ёш болалар пахта қулларига айлантирилган бўлса, 5 миллион ишларсизлар ҳам мавжуддир. Қамокхоналарда 20 минг сиёсий маҳбуслар сақланмоқда ва мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлганларнинг сони ҳам 5 миллион-дир. 2005 йили Каримов бошлиқ Ўзбекистон ҳукумати Андижонда 3000 кишини қириб ташлади. Каримов бошлиқ тўданинг шу ва шу каби жиноятлари инсонликка қарши содир этилган жиноятлардир. Бу жиноятлар учун Каримов бошлиқ тўда тергов қилиниши ва маҳкамага тортилиши лозим. Қисқаси, Каримов бугун Ўзбекистонни усти очик қамокхонага айлантиргани исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Оқибатда Ўзбекистон Олий Кенгаши, бутун маҳкама системаси билан биргалликда мамлакатдаги 27 миллион аҳоли асоратда яшашга мажбур қолмоқдадир. Юзларча тadbиркорлар, айниқса Туркиядан Ўзбекистон иктисодига пул ётқизган кўплаб кишиларнинг молу мулки мусодара қилиниб, ўзлари қамокхонага ташланганлигининг гувоҳлари бўлиб турибмиз. Умумжаҳон ва халқаро ҳуқуқга кўра, инсоннинг яшашга ҳақининг, инсон ҳақи, ҳуқуқи ва ҳурриятининг поймол қилиниши, инсониятга қарши содир этилган бир жиноятдир. Ўзбекистонда эса, бу жиноят Каримов бошлиқ тўда тарафидан амалга оширилмоқдадир. Ўзбекистоннинг асосий Қонунига кўра, мамлакат президентлигига бир шахс, ҳар бири муддати беш йилдан икки мартадан кўп сайлана олмайди. Бироқ Каримов турли хил баҳоналар билан мамлакатнинг Асосий Қонунини бузиб, 23 йилдан буён Президентлик мансабини ўз қўлида сақлаб қолмоқда. Бу жиноят-ларнинг ва инсон ҳақу ҳуқуқларининг бузилиши давом этмаслиги ҳамда диктаторликдан тезроқ қутилиш мақсадида, халқаро қонунларга уйғун қарши курашнинг барча тури олиб борилиши зарур. Масалан, Қаззофий, Бинали, Муборак ва Асадларнинг зулмга асосланган сиёсатлари оқибатда мамлакатларида жуда кўп қон оқишларига олиб келганидек, Каримов ҳам ўшалар сингари мамлакатини зулм машинаси востасида бошқармоқдадир. Бугун Ўзбекистонда арзимаган ҳақ талаби

билан қатта қон тўкилиши бошланиб кетиш хавфи сақланиб турибди. Бундай аянчли ҳол содир бўлиб қолмаслиги учун золим Каримов истейфога кетиши лозим; мамлакатда эса эркин бир вазиятда халқаро жамоатчиликнинг назароти остида очик демократик сайловлар ўтказилиши ва бу сайловларда Каримов қатнашмаслиги шарт. Қамокхоналардаги барча сиёсий маҳбуслар ҳеч бир шартсиз озод этилсин. Давлат террори натижасида ўлдирилганларнинг оилаларига тавон тўлансин ва қонунсиз босқинчиларча молу мулки мусодара қилинганларга мулклари тўласинча қайтариб берилсин. Шунингдек, молу мулку тортиб олинган Туркиялик ва бошқа мамлакатлар тadbиркорларининг бойликлари зудлик билан соҳибларига қайтарилсин. Диктатор Каримов вазифасидан четлаштирилганича тadbиркорларнинг Ўзбекистонда иш фаолиятлари учун шарт ва шароитлар яратилсин ва уларнинг хавфсизлиги гарантияга олинсин. Эркин Ўзбекистон Кенгаши қурулиши ва унинг дунёда танилиши учун Туркия Буюк Миллиат Мажлисига (ТБММ), БМТ, ИИТ мурожаатлар қилиниши лозим. “Эркин Ўзбекистонга ёрдамлашма гуруҳи”, ТИММ ва Туркия халқининг Ўзбекистонда ҳақиқий эрк ва эркин-лик ўрнатилишига дастак берилишини ташкил қилишни бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисобласин. Ўзбекистонда, айниқса унинг Фарғона водийси шаҳарлари, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларида бўлган қамокхоналарда ва пахта далаларидаги меҳнат шароитларини ўрганиш ва тadbиркорлик қилишни ташкил қилиб, бу тadbиркорликнинг натижаси кўринишида бир ҳисобот тайёрланиши лозим. Бундай ҳисоботни дунё жамоатчилигига танитиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилиши зарур. Диктатура зулмидан қочиб Туркияга келишгаётган ўзбекистонликларнинг сони кундан кунга кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, уларнинг Туркияга кириш визаси ва ўтирма иқомати масалаларини Туркия ҳукумати қулайлаштиришини сўраймиз. Конференция қатнашчилари Туркия ҳукуматидан бу масалани халқаро қонунлар даражасида ҳал этишларини сўрайди. Қумқопи каби қочқинлар сақланадиган лагерлардаги Ўзбекистонли муҳожирларнинг ва бошқа мамлакатлардан келишган ўзбек қочқинларининг Туркияга қабул қилиниши ҳақида мурожаатлари иноятга олиниб, уларнинг золимлар ҳукми остида қолаётган мамлакатларига қайтариб юборилмаслиги таъминлашиши лозимдир. Имзолар: Ўзбекистон Халқ Ҳаракати, “Ўзбеклар бирлиги” жамияти, Эркин Ўзбекистонга ҳамкорлик гуруҳи, ИХХ, Мазлумдор жамияти, Ўзгурдор, Имқондор, Асдар, Шарқий Туркистон маориф жамияти, ИДСБ, ТГТВ, “Саде Хаёт”, А. Дилипок, Туркуаз Гуруҳи,

Федератив Гуруҳ. Ўзбекистон диктатори ва ваҳимали бир қаршилик(тасдиқ). Ўтган кун ҳамма, “бугун 23 Нисон\*”, шодликка тўлар инсон“, дейишиб турганида мен кишининг ичини ғаш этадиган, ранжитадиган, ҳатто ғамгин этадиган сўзлар сўзланган бир конференцияда қатнашимга тўғри келди. Мавзу Ўзбекистон ... Нутқларнинг қисқача мазмунлари мана шундай эди: Ўзбекистонда шундай бир диктатор ҳукм сурмоқдаки, инсоният тарихи давоми келиб – кетишган барча золимларнинг зулм усул(метод)ларини бир жойга тўплаган шаклда тadbиркорлик этимоқда. Бу зулмнинг диққатни жалб этадиган ери шундаки, бу золим ўз зулм усулини ўзларини буюк давлат ва адолатпарвар ҳисоблашган АҚШ, Россия, Англия, Хитой ва бошқа империалистик ўлкалар ҳукуматлари кўз олдида амалга оширмоқда Ҳатто бундай зилм уларнинг қўллаб-қувватлашлари ҳисобига давом этмоқдадир. Ўзбекистонда ҳуқуқ, адолатли тергов ва маҳкама мутлақо йўқ. Ҳақу ҳуқуқ ва эрк-эркинликлар йўқ. Бу мамлакатнинг полиси, аскарлари безорилар мантиси билан ишлайди, ҳаракат қилади. Масалан, полис хоҳишига кўра, кўчада учратган исталган бир кизни олиб кетиб зўрлаш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун зинпоёлар остида кизликларини йўқотиш жойлари кенг тормоқ отгандир. Пора бермасдан кичик бир иш қилиш, ҳатто оддий бир шаклда яшамонинг имкони йўқотилгандир. У ерда исканжа ва азобларнинг исталган: таёқ, электрик шок, устидан қайноқ сув тўкиб ўлдириш, кишининг танасини бўлак-бўлак ташлаш, оёғидан шипга бир неча соатлар давомида олиб қўйиш каби хиллари мавжуд. Қамокхона камераларининг баландлиги бир метр ўттиз сантиметрдан ошмайди. Ҳандай камераларда ойлаб ва ҳатто йиллаб ўтиришга мажбур қилинганлар бор. Биздаги 12 сентябрдан кейин Диярбаҳрдаги қамокхоналар қандай бўлган бўлсалар, Ўзбекистондаги барча қамокхоналар ўшандай аҳволдадир. Борди-ю бирор киши ислом нуктаи назари ҳисобидан (ҳатто бу назар тўла уйдурма бўлса ҳам) қамокка ташланган бўлса, унинг у ердан қайта чиқиши мутлақо мумкин эмас. Ҳимоя қилиниш ҳақи берилмасдан истаганларича жазога маҳкум қилинган бечоранинг жазо муддати тугаётган бўлса, у ўлдирилиб, соғлиги сабабидан ўлди этиб қайд қилишадилар. Кишилар, жиноят содир этганлари ҳақида ҳеч қандай далил бўлмасиндан ҳам қамокка ташланиши мумкин ва оилаларидан ундирилган поралар ҳисобига маҳкамасиз қамокдан чиқариб юбориладилар. Ёзувчилар, журналистлар, мухолиф партия аъзолари системали равишда қатл этилмоқдалар. Ўзбек халқ оммаси орасида иззат-ҳурматга сазовор бўлган кишилар суиқасдлар оқибаотида қурбон бўлмоқдалар.

Алибой Йўляхши тайёрлади

Ўтган кун ҳамма, “бугун 23 Нисон (апрел), шодликка тўлар инсон“, дейишиб турганида, мен кишининг ичини ғаш этадиган, ранжитадиган, ҳатто ғамгин этадиган сўзлар сўзланган бир конференцияда қатнашаётган эдим. Мавзу Ўзбекистон Нутқларнинг қисқача мазмунлари эса мана шундай эди: Ўзбекистонда шундай бир диктатор ҳукм сурмокдаки, у инсоният тарихи давомида келиб – кетишган барча золимларнинг зулм усул(метод)ларини бир жойга тўплаган шаклда тадбиқ этмокда. Унинг бу зулмининг диққатни жалб этадиган ери шундаки, бу золим, ўз зулм усулини, ўзларини буюк ва адолатпарвар давлат ҳисоблашган АҚШ, Россия, Англия, Хитой ва бошқа империалистик ўлкалар ҳукуматлари кўз олдида бемалол амалга оширмокда. Ҳатто бундай зулм, золим(Ўзбекистон диктатори)ни уларнинг қўллаб-қувватлашлари ҳисобига давом этмокдадир. Ўзбекистонда ҳуқуқ, адолатли тергов ва маҳкама мутлақо йўқ. Ҳақу ҳуқуқ ва эрк-эркинликлар ҳам йўқ, албатта. Бу мамлакатнинг полиси, аскари безорилар мантиғи билан ишлайди, ҳаракат қилади. Масалан, полис хоҳишига кўра, кўчада учратган исталган бир кизни олиб кетиш ва ўз истагига кўра зўрлаш, азоблаш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун у мамлакатда зинпоялар остида қизликларини йўқотиш жойлари кенг тормоқ отгандир. Пора бермасдан кичик бир иш қилиш, ҳатто оддий бир шаклда яшамокнинг имкони йўқотилгандир. У ерда исканжа ва азобларнинг ҳар қандай тури: таёқ, электр билан ҳушидан кетказиш(электрический шок), маҳбуснинг устидан кайноқ сув тўкиб ўлдириш, кишининг танасини бўлақлаб ташлаш, оёғидан шипга бир неча соатлар давомида илиб қўйиш каби хиллари мавжуд. Қамокҳона мемераларининг баландлиги бир метр ўттиз сантиметрдан ошмайди. Ўшандай камераларда ойлаб ва ҳатто йиллаб ўтиришга мажбур қилинганлар бор. Биздаги 12 сентябрдан кейин Диярбакирдаги қамокҳоналар қандай бўлган бўлсалар, Ўзбекистондаги барча қамокҳоналар ўшандай аҳволдадир. Борди-ю бирор киши ислом нуқтаи назари ҳисобидан (ҳатто бу назар тўла уйдурма бўлса ҳам) қамокқа ташланган бўлса, унинг у ердан қайта чиқиши мутлақо мумкин эмас. Ҳимоя қилиниш ҳақу ҳуқуқи берилмасдан ҳукумат истагига кўра жазога маҳкум қилинган бечоранинг жазо муддати тугаётган бўлса, у ўлдирилиб, соғлиги сабабидан ўлди этиб қайд қилишадилар. Кишилар, жиноят содир этганлари ҳақида ҳеч қандай далил бўлмасиндан ҳам қамокқа ташланиши мумкин ва оилаларидан ундирилган поралар ҳисобига маҳкамасиз қамокдан чиқариб юбориладилар. Ёзувчилар,

журналистлар, муҳолиф партия аъзолари системали равишда қатл этилмокдалар. Ўзбек халқ оммаси орасида иззат-ҳурматга сазовор бўлган кишилар суиқасдлар оқибатида қурбон бўлмокдалар. Хотин-қизларга мусулмон усулида қийиниш ва уларнинг ўшандай қийимларини сотиш ҳам тақиқланган. Иш жойларида Қуръони карим ва жойнамоз сақлаш тақиқланган ва бу ҳол жиноят ҳисобланади. Масжидлардан ташқарида намоз ўқиш мумкин эмас. Белгилаб қўйилган ёшдан кичик бўлганларнинг ҳам масжидга бориши тақиқлаб қўйилган. Мана шу саналган тақиқларга риоя қилмасанг, сенга “Исломий террорист“ тамғосини ёпиштирадилар ва сени оламда қўрилмаган азоб, қийноқ, исканжаларга дучор қиладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ДИКТАТОРИ ВА ВАҲИМАЛИ БИР ФИКР



*Форук Қўса*

Энди буёғини жим туриб эшитинг. Ўзбекистонда бугун хотинлар, ўзларига билдирилмасдан маҳфи бир шаклда туғмайдиган қилинмокдалар. Туғишга келган хотинлар сунъий (кесарево сечение) туғишга мажбур қилинади ва бу орада улар бошқа туғмайдиган қилинади. Бу ваҳшийликни бечора оналар билишмайдилар, албатта. Ҳатто бу хусусда докторларга ойлик нормалар ўрнатилгандир. Нормаларини бажармаган докторлар жазога маҳкум қилинади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ўзбекларнинг наслини тугатиш(геноцид) сиёсати юргизилмокда. Шу кунларда Ўзбекистонда 5 миллион болалар пахта далаларида қул қилиб ишлатилмокдадир. Мамлакатда 5 миллиондан кўпроқ ишсизлар мавжуд. Кўпинча йилнинг сентябр ойдан декабрнинг ўрталаригача ўрта мактаб ўқувчилари ва университетларнинг талабалари ўқишларини йиғиштириб пахта далаларида ишлашга мажбурдирлар. Мамлакатда 20 минг сиёсий маҳбуслар қамокҳоналарда қолмокда. 5 миллион меҳнатга қобилиятли кишилар кунлик кечимини ўтказиш учун мамлакатни тарк этишга мажбур бўлапти.

Ер ости ва усти бойликлари мўл бўлган Ўзбекистонда халқнинг ойлик кун кечирishi 30 долларнигина ташкил этади. Чунки бутун бойлик манбалари диктатор ва унинг икки қизи назоратида, ҳокимият элитаси ва кучли мафия ташкилотлари тарафидан ўзлаштирилмокдадир. Энг пастдаги давлат маъмурларидан то Парламентнинг аъзоларигача ҳар бир кишининг ҳаёти диктаторнинг лаблари орасидадир. Диктатор, ўзига хавфли деб ҳисоблаган ҳар қандай бир шахсни ҳар бир дақиқада дарҳол йўқ қилмокда. Жиноятлар ва инсон ҳақу ҳуқуқларининг поймол қилиниши кундан кун ортмокда. Арзимаган ҳақу ҳуқуқни талаб қилишлар ҳам аявсиз бостирилиб турилибди. Шундай қилиб, Ўзбекистон тўла маънода усти очик қамокҳона шаклида бошқарилмокда дейишга ҳақимиз. Давлатни темир дарвозалар ёрдамида бошқараётган Каримовнинг барча турдаги оғир зулмларига қарамасдан, Каримов, АҚШ бошлиқ барча империалистик кучларнинг ёрдамида ўз диктаторлик сиёсатини давом қилдириш имконига эга бўлиб қолмокда. Шунинг учун Ўзбекистон диктаторининг бошқа диктаторлардан фарқи нимада? Каби савол бериш табиийдир, албатта. Бизнинг ҳукумагимизга ҳам бир жиддий саволимиз бор ... Юқорида номи тилга олинган конференциядан бир кун олдин Ўзбекистонда сармоя ётқизиш ҳақсизликка учраган бириси билан учрашдим. У киши даўстларининг 50-60 миллионлик молу мулкани мусодара қилибдилар, жонларини эса базўр қутқариб қолибдилар. Ўзбекистон ҳукумати, уларнинг молларини қайтариб бериши учун Ўзбек муҳолифати Туркиядаги фаолиятларини тўхтатишлари ва ўзлари Ўзбекистонга қайтарилишлари лозиммиш. Ҳатто бу хусусда Туркия билан учрашувлар ўтказилаётган эмиш. Бу эса жуда ваҳимали бир тасдиқ. Энди Туркиялик маъбуллардан шуларни сўрашни иштаймман: Бу гаплар тўғрими? Буларнинг асосида бирор ҳақиқат борми? Агар бу тўғри бўлса, яъни Каримовнинг талаби қабул этилса, бу бир халқнинг озодлигини, эркини сотиш маъносига келмайдими? Муҳолифларнинг азоб ва исканжаларга дучор қилинишини ва ҳатто ўлдирилишини билганингиз холда қандай қилиб уларни золимларга топширмокчи бўлаёпсиз? Ёки буни қандай виждон билан савдолашиш даражасига келдирдингиз? Агар бу айтилганлар тўғри бўлмаса, уларнинг ҳақиқатан ёлғон эканлигини очик баён этишингиз ва масалан, Асадга қарши бўлганингиз сингари ўзбек, диктаторига ҳам қарши айтадиганларингизни жиддий бир шаклда айтишингиз лозим эмасми?

Ўрта Осиёнинг (Эскидан бу ҳудуд Туркистон деб аталарди. Рус коммунист босқинчилари Туркистонга аввал Ўрта Осиё исмини бердилар ва сўнгра 1920 йилдан бошлаб бир бутун ўлка-Туркистонни беш бўлакка бўлиб ташладилар. Бу бўлақларга ўзларича Тожикистон, Турмунистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон имларини беришди) Ўзбекистон деб аталадиган қисмида 30 миллионга яқин аҳоли яшайди ва Ўзбекистон бу ўлканинг буюк бир бозор ва маданий марказидир. Кейинги вақтларда бу мамлакатга турк тадбиркорлари катта бир миқдорда ётиримлар ётқизишдилар. Аммо у ердаги қонунсизликлар оқибатида Туркиялик мулк сохиблари жуда ташвишли ва қийин аҳволга тушиб қолишдилар. Уларнинг молу мулки мусодара қилинди, ўзлари қамокка ташланди. Жуда қийинчиликлар билан Ўзбекистон қамокхоналаридан озод бўлиб, ватанига қайтишган туркиялик табиркорларнинг бир нечаси билан қилинган суҳбатни Туркияда нашр қилинадиган Хуррият газетаси [hurriyet.com.tr](http://hurriyet.com.tr) исмли саҳифада эълон қилди.

қилдиришга мажбурладилар. Шунчалар аччиқ нарсаларни бошдан кечирдикки ... У ерда азоб еган инсонларнинг қийқириқлари ҳали ҳам қулоқларимда турибди. Аммо афсуски ҳукуратимиз ҳам, давлатимиз ҳам бизга эгалик қила олмади. Молу мулкимиз кетди, жонимиз ҳам кетаётганди. Биздан бошқа ўнлаб ширкатларнинг бошига бизга ўхшаш балолар келди. Ҳукуратимизнинг бу масалада мийғини қимирлатмаслиги бизни бир тарафдан хафа қилса, бошқа тарафдан ўйлантиради.” 42-га машинаси бор ТИР паркни мусодара қилдилар. Фикрат Доғли (Доғлилар Нақлият): “2007 йилдан бошлаб Ўзбекистонга ётирим бошладик. Икки йилдан сўнгра битта ширкат ташкил этдик. 42-гача ТИРларимиз бор эди. Бино қурдик, уй олдик. ТИР шоферларидан ташқари 15-тадан ортиқ ишчиларимиз ҳам бор эди. 2011 йилнинг август ойининг бошидан бошлаб асоссиз ҳар хил баҳоналар билан устимизга кетма-кет кела бошладилар. Ниҳоят, августнинг 25-да мени қамокка олдилар ва олти ой қамокда сақладилар.

шундаки, Ўзбекистонда сотаётган молларнинг бир қисмини Туркиядаги фирмалардан қарзга олгандик. У ерда молларимиз мусодара қилинганидан сўнгра сотилмаган моллар ҳисобидан қарзларни тўлаш мажбуриятида қолдик ва биз учун бу кўп ташвишлар келтирди. Яъни қарзлардан қутилиш учун Туркиядаги уйимни ва машиналаримни сотдим. Шунга қарамасдан яна 300 минг доллар қарз бўлиб қолдим. Ҳеч нарса қолмади, фақат бир жекетда қолдим.” Чегара қоидадини бузиш баҳонасида 9 ой қамокда қолдим. Меҳмет Мемўғли (40) : “2010 йилнинг 29 – январида Тожикистондан Қирғизистонга ўтишим керак бўлди. Аммо йўл Ўзбекистондан ўтиши лозим эди. Ўзбекистонда мени қамокка олдилар. Ўзбекистондаги қонунга кўра, мени сўроқ қилишиб, чегарага оид камчиликлар бўлса, мени Ўзбекистондан чиқариб юборишлари керак эди. Ўзбек махсус хизмати ходимлари эса, мени тергов қилдилар ва жиноятчилар сақланадиган қамокхона жўнатиб юборишди. Ўша ерда 9 ой қолишга мажбур бўлдим.

## “БУНДАН СЎНГРА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАТТО ИСМИНИ ҲАМ ЭШИТИШНИ ИСТАМАЙМАН”

Акамни бир неча ойдан сўнгра кўришим мумкин бўлди. Фикрат Гюнаш(40): “Ўзбекистонга энг катта Туркия ётиримчи биз эдик. Туркуаз гуруҳ номи билан Ўрта Осиёда энг катта маркетни биз қурдик. 2011 йил 2-март куни Тошкентдаги АВМизга тахминан мингта қуролланган маскали кишилар бостириб киришди ва бизни 7-8 кун давомида офисимизда тутиб турдилар. Ундан сўнгра бизларни қамокхонага ташлашди. У қамокхонада кўрганларимни, менга берилган азобларни Оллоху таоло ҳеч кимга кўрсатмасин. Акамни бошқа қамокхонада сақладилар. 7 ой давомида акамни кўра олмадим. Етти ойдан сўнгра акам билан учрашим мумкин бўлди. У учрашувда ярим соатдан кўпроқ вақт йиғлашдан бошқа бирор нарса дея олмадим. АВМиз, 18 ширкатимиз шундай кетди. Ёнимизда бир минг 200 киши ишлашардилар. Уларнинг ҳаммаси кетишдилар. Жонимизни базўр қутқардик.” Молу мулкимиз кетди, жонимиз ҳам кетишига оз қолди. Воҳид Гюнаш (47): “Мен бир муддат Ўзбек хавфсизлик комитетининг бир кишилик хонасида тутиб турилдим. Катта таёк билан уришларининг сони ҳисоби йўқ эди. Улар шундай азоб берардики, уларнинг ҳар қандай бир талабини бажаришдан, сўзла деганини сўзлашдан бошқа иложимиз қолмасди. Ўша азоблар остида ҳамиша ўлиб кетсам керак деб ўйлардим. Сўзлашга тилим бормайдиган нарсалар



Шу йилнинг 5-январида қамокдан озод бўлдим ва мамлакатдан чиқариб юборилдим. Машиналаримиз, уйларимиз, ишимиз ҳаммаси у ерда қолди. Жами зараримиз 6 миллион долларни ташкил этади. Ҳозир Ҳатайда ишларимизни юргизишга уринаямиз. Бироқ у ерда ўнларча одамларимизнинг бошига ҳам шунга ўхшаш ишлар келишига қарамасдан, биз эга чиқмасликлари қийин бир ҳолатдир.” Молу мулкимиз кетди, фақат битта жекетда қолдим. Жунайт Қаҳқюллу (45): “Туркиядаги санокли сараланган холдинглари маҳсулотларини Ўзбекистонда сотаётгандим. Мебел маҳсулотлари, уйларни безатиш ашёлари, сотадиган учта магазиним бор эди. Бизнинг магазинларимизга 2011 йилнинг феврал ойида “ҳужум” қилишди. У ерда бир ишчимизни зўрға қутқара олдик. Зарарим ўн миллион атрофидадир. Ишнинг ёмон тарфи

У ердан чиқишим учун пул беришим керак бўлди. Ўзбек адвокатига ва ҳаками(суди)га бир қанча пора бердик. Сақариядаги қардошим машиналаримизни сотди, анчагина қарз (кредит) ҳам олиб пулларни Ўзбекистонга келтирди. Қарзларимни бугунгача тўлаб тугата олганимча йўқ. Бундан сўнгра Ўзбекистоннинг ҳатто исмини ҳам эшитишни истамайман.” 25 миллион долларлик ётиримимиз кетди. Асим Қоян (37): Федерал Гуруҳ шақлида Ўзбекистонга жиддий бир ётирим киритдик. Биз тузган ширкатнинг 49% хиссали шериги Ўзбекистон ҳукумати бўлди. Бир кун йўқ ерлардаги баҳоналар билан ширкат бошқарувчиларини қамокка олишга қарор берибдилар. Ўша вақт мен Туркияда эдим. Бу хабарни эшитиб, масалани жойида ҳал қилиш учун мен ҳам Ўзбекистонга қайтдим. Ўзбекистонда аэропортдаёқ мени қамокка олдилар ва 365 кун қамокда қолдим. Уларнинг қамокхоналари Гуантанамонинг Ўзбекистондаги бир тури эди... Таёк-исканжа, азоб, қийноқ, қисқаси ақлга сиғмайдиган шароитда яшашга мажбур қилиндик... Ухлайсан, аммо бошинга нималар келишини билмайсан. Темир қафаснинг ҳар бир очилишида титирардик. Кечкурунга яқин соати 17-ларда чақирилсак, билардикики, у ерда таёк ва ҳақоратлар бўлади. Хуллас, Оллохга шукрки 365 кундан сўнгра мен Ўзбекистондан чиқариб юборилдим.

(Давоми кейинги бетда)

## “БУНДАН СЎНГРА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАТТО ИСМИНИ ХАМ ЭШИТИШНИ ИСТАМАЙМАН”

(Давоми: боши олдинги бетда)

Ширкатимиз эса, у ерда қолди. 20-25 миллион ётиримиз кетди.

Ташландикларни йиғиш ва кўча тозалаш жазоси.

Леванд Қорабойир (46): 2010 йил

15-декабрида мен Туркияда эдим.

Айнан шу куни Ўзбекистондаги магазинимизга келибдилар.

Ундан сўнгра устахона(ателье)

га борибдилар. Мутлақо асоссиз

бахоналар билан бизнинг

магазинларимизга катта-катта

жазолар чиқардилар. Жазоларни ҳеч

камчилликсиз тўладим.

Охири масалаларни ҳал қилиш учун

Ўзбекистонга келганимда менга қизик

бир жазо бердилар.

Унинг исми “ахлоқ тузатиш” эди.

У жазо, одатда ўз ватандошларига

бериладиган бир жазо туридир.

Бундай жазога маҳкум этилган киши,

кўчаларда ётган чўп-хосларни,

ташландикларни йиғиштиради,

кўчани супуради.

Менинг молу мулкимни йўқотишим

бошқа туркиялик тадбиркорларга

караганда бир мунча озроқ бўлса-да,

у ерда яшаган кунларим менда чуқур

яра излари қолдирди.

Ошхонамизни мусодара қилдилар.

Нуман Оқин (58): 2005 йилда

Ўзбекистонга борган эдим. У

ерда озик-овқат маҳсулотлари

тайёрлашни йўлга қўйгандик. Барча

солиқ ва суғурталарни бир кун ҳам

кечитирмасдан тўлаб борардим.

Бирор тийин ҳам ҳисобдан хато

бўлмаслигига алоҳида аҳамият

берардим. Бу ишлар учун алоҳида

бир хизматчи ҳам ишлагардим.

Шунга қарамадан, 2011 йилнинг

феврарида фабрикамизни мусодара

қилдилар. Уерда бизнинг ишимизни

юритадиган бир кишимиз бор

эди. Шу сабабдан мен Туркиядан

Ўзбекистонга бормадим. Чунки у ерга

борсам, бошимга нималар келиши

мумкинлигини тахмин этиш ҳеч

қийин эмас эди.“

*Динчар Кўкча*



дунёнинг хавасини келтирган ватанингиз бугун шу ахволда?!”

деган эди намоишдан сўнг

Канадалик таниқли кўз

шифокори Сергей Шевченко.

“Ванкувер экспресс” газетаси

бош мухарири Александ

Кулешов эса, фильмни инглиз

тилига ҳам ўгириш ва уни

махаллий ТВ каналларга бериш

нихоятда муҳим эканлигини

## “ХАЛҚ НИДОСИ” ФИЛЬМИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ЎГИРИЛДИ

ЎХХ томонидан тайёрланган “Халқ нидоси” фильми Европа, АҚШ ва Канада, ҳамда жажоннинг бошқа мамлакатларида яшаётган миллатдошларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганди. Қисқа вақт мобайнида Ютуб тармоғи орқали ушбу фильмни минглаб одамлар томошо қилишди ва ҳозиргача ҳам интернет тармоғида бу фильм кўпчиликда қизиқиш уйғотаяпти. 26 феврал куни “Халқ нидоси” фильми Канаданинг Ванкувер шаҳридаги “Ванкувер экспресс” газетаси редакцияси ва ЎХХнинг Канада бўлими фаолари ҳамкорлигида, кенг оммага намоиш қилинганди. Фильм намоишига Ванкуверда истиқомат қилаётган Россия ва Марказий Осиёдан келган эмигрантлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари ташриф буюришган эди. “Ларзага тушдим бу фильмни кўриб, нахотки Ўзбекистон, бир вақтлар

айтган эди. Ўтган куни ЎХХ Канада бўлими фаоли Марат Насибулин “Халқ нидоси” фильмини матнини инглиз тилига ўгириш яқунланганини билдирди. “Биз яқинда бу фильмни қайта овозлаштириш ишларини бошлаймиз. Инглизча дубляж ишлари тугагач, уни Интерфильм ташкилотига тақдим этамиз. Фильмларни турли кўрик ва фестивалларга танловчи бу ташкилот “Халқ нидоси” фильмига қизиқиш билдирди. Агар уларга маъқул келса, “Халқ нидоси” биронта фестивалга қараб йўл олиши мумкин” дейди УХХнинг Канада бўлими аъзоси Марат Насибуллин.

Ўзбек халқининг бугуни ахволини ҳаққоний бўёқларда акс эттирган ушбу фильмнинг инглизча вариантини Канада бўлими фаоллари ЎХХнинг яқинда бўлажак қурултойига совға сифатида олиб боришмоқчи.

*Улуғбек Хайдаров*

## ЎХХ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ



Андижон қатли омининг 7 йиллиги муносабати билан ЎХХнинг жойлардаги бўлимлари намоиш ўтказишади. Жумладан Канада ва Норвегия 13 май куни ва ЎХХ Туркия бўлими “Озод Ўзбекистон Дўстлари” ташкилоти билан биргаликда, 2011 йил 11 Май соат 10.30 да Истанбулда митинг ўтказадилар. Шунингдек, Андижон қатлиомининг 7 йиллиги муносабати билан халқаро ташкилотлари ва Туркия давлатига мактуб юборилади. Ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Истанбул шўъбасига борилади ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг жиноятлари ҳақида ҳозирланган айбнома матнини тақдим этади. ЎХХ бўлимлари тарафидан дунё ҳамжамиятига мурожаат қилиб Андижон қатлиоми унутилмаслигини ва Халқаро қонунлар асосида қатлиом айбдорлари топилиб жазоланишини таъминлаш талаб қилинади.

**ЎХХ Матбуот Маркази.**



Исломиё Ҳамкорлик Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари Ашхободда йиғилиб, аъзо давлатлардаги қочқинларнинг ўз она Ватанларига кўнгилли равишда қайтишлари учун лозим шарт-шароитларни яратиш масаласини муҳокама этишмоқчи. Британияда жойлашган Уруш ва Тинчликни ёритиш институти тарқатган хабарларга кўра, “Мусулмон дунёсидаги қочқинлар” номли халқаро анжуман Бирлашган Миллатлар Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги билан ҳамкорликда уюштирилмоқда. Йиғин чоғида энг асосий эътибор Яқин Шарқ ва Марказий Осиё давлатларидаги қочқинлар билан боғлиқ вазиятга қаратилиши айтилмоқда.

Институт келтирган маълумотлардан аён бўлишича, бугун Марказий Осиё назарда тутилганда, бугун минтақадаги қочқинлар ва сиёсий бошпана изловчиларнинг сони 10.000 га етган. Улардан аксариятининг афғонлар, чеченлар ва уйғурлар экани айтилади. Инсон Ҳуқуқлари ва Қонун Устиворлиги халқаро бюросидан Денис Живаганинг таъкидлашича, хавфсизлик – Марказий Осиёдаги қочқинлар тўқнаш келаётган асосий муаммодир.

“Биз барча халқаро конвенцияларга зид равишда, қийноқлар ва бошқа ноинсоний муносабатларга маҳкум этиб, тузумнинг таъкибидан қочиб юрган инсонларнинг ортга қайтарилиши ҳодисаларига гувоҳ бўлганмиз”, дейди фаол. Жаноб Живаганинг айтишича, Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари қочқинлар муаммосига инсонпарварлик эмас, балки сиёсий масала сифатида қарайди. “Шу боис ҳам, қочқинлар учун ҳеч қандай реал қафолат йўқ”, дейди у.



### Ўзбекистондаги аҳвол

Айрим ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон мустақиллиги ортидан муҳожирага юз туган фуқароларнинг сони бир неча юз мингдан, бир неча миллионга етган.

Кимларидир тирикчилик, бошқалари эса жон қайғусида ўз ватанларини тарк этган ўзбекистонликларни бугун дунёнинг деярли ҳар бир қиъасида учратиш мумкин.

Ва ўтган йиллар мобайнида уларнинг сафлари талабадан тортиб, шифокор, ўқитувчидан тортиб, ёзувчи-шоирга қадар ранг-баранглашиб улгурган.

2005 йил 13 май ойидаги Андижон қирғини эса, мамлакатда қолган деярли барча эркин фикрли зиёлилар, мустақил журналистлар, инсон ҳуқуқлари фаоллари ва муҳолифат аъзоларини оилавий бўлиб Ўзбекистонни тарк этишларига мажбур қилган.

Ўзбекистонлик таниқли шоир Ёдгор Обид йигирма йилдан буён муҳожирада яшайди. Ҳозир Австриядан бошпана топган шоир сиёсий таъкиблар туфайли Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлган ва сиёсий қочқин мақомини олган.



## МУСУЛМОН ДУНЁСИ ҚОЧҚИНЛАР МАСАЛАСИНИ МУҲОКАМА ЭТМОҚЧИ

Ёдгор Обид, “Бу каби халқаро анжуманлар бирор бир амалий натижа беришига ишонмасам, айнан мусулмон давлатлари томонидан қочқинлар масаласининг кўтарилаётганини муҳим воқеа деб ҳисоблаш”ни айтади. Аммо, унга кўра, “Йиғин иштирокчилари қандай қарор қабул қилишмасин, бугунги мавжуд режимни ўзгартириб, шахсан ўзининг Ўзбекистонга қайтишига шароит яратиб беришолмайди.

“Бунақа таклифлар менга ҳукумат тарафидан кўп бўлган. Лекин натижа бутунлай бошқача бўлиб чиққан. Шунча воқеалар бўлиб ўтгандан кейин ҳам, Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам, умуман, собиқ Совет Республикаларида ҳеч қанақа ўзгариш бўлгани йўқ. Сиёсий ўзгариш ёки одамлар, фуқаролар, ватандошларга нисбатан ҳеч қанақа ўзгариш бўлгани йўқ”, дейди шоир. У, “Ўзбекистондаги бугунги тузум тубдан ўзгарган тақдирдагина, ортга қайтажаги”ни айтади:

### Ўшлик қочқинлар қандай фикрда?

Қирғизистон жанубида 2010 йил июн ойида юз берган қонли низолар ҳам ўн минглаб кишиларнинг муҳожирага юз тутишларига сабаб бўлган. Аксарияти ўзбеклардан иборат қочқинлар бутунбошли оилалари билан ўз уй-жойларини тарк этишга мажбур бўлишган.



Улардан аксарияти бугун Россия ёки Туркиядан бошпана топишган. Маҳаллий қирғизлар ва ўзбеклар орасида келиб чиққан ўша тўқнашувлар юзлаб инсонларнинг умрларига зомин бўлган. Минглаб уй-жой ва тижоратларга ўт қўйилган.

Юз минглаб одамлар эса, дарбадарликка юз тутишган. Орада кечган вақт давомида қочоқлардан аксарияти ортга, ўз уйларига қайтишган.

Аммо, халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига қаралса, улардан 60.000 га яқини ҳануз Қирғизистон ва дунё бўйлаб дарбадарликда ҳаёт кечиримокда.

Қочоқлардан аксариятининг ўзбеклар экани айтилади.

Икки йилдири, Туркиядан бошпана топган ана шундай қочоқлардан бири биз билан суҳбатда, “Қирғизистонда тинчлик бўлиб, бироқ келиб, безовта қилмаса ва ҳақиқат бўлган тақдирдагина” ортга қайтган бўлиши мумкинлигини айтади.

Лекин, унга кўра, шунда ҳам она Ватанига бир умрга қайтиш истаги йўқ.

“Қирғизистонда, мисол, кечки соат олти, еттилардан кейин дадил, бемалол бошингизни кўтариб, юролмайсиз. Бориб, келганлар ҳаёт тинч, яхши, аммо барибир ҳам одамларнинг юрагида қўрқув сақланиб қолган, дейишяпти.

Тўғри, Ватан, кумсайсиз, кетгингиз келади, аммо юз берган воқеаларни эслагандан кейин, фикрингиздан қайтасиз.

Энди, ҳазилакам нарса бўлмади-да. Қўрқинчли, даҳшатли ҳодисалар бўлди”, дейди у:

“Мусулмон дунёсидаги қочқинлар” масаласига қаратилган халқаро анжуман эса, шу йилнинг 10-11 май кунлари бўлиб ўтади.

Йиғинда Исломиё Ҳамкорлик Ташкилоти Ташқи ишлар вазирларидан ташқари, ўнлаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари ва йигирмадан ортик давлат қузатувчиларининг иштирок этишлари кутилмоқда.

Айни ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусулмон давлатларидан бўлган аксарият қочқинлар шу пайтга қадар асосан Оврўпо мамлакатларидан бошпана олиб келишган.



Бугунги мавзумиз сиёсат майдонида ўнг ва чап қанотни ташкил қилувчи сиёсий кучлар ҳақидадир. Бу омил инсонлар ва сиёсий ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўринларини белгилаб олиш учун ўртага қўйилган бир сиёсий тартибдир. Бундай сиёсий тартиб айна пайтда жамиятнинг шаклини ҳам белгилаб беради. Шунингдек, сиёсатда ўнг ва чап қанот жабҳаларнинг шаклланиши ва бу жабҳаларнинг ўзаро рақобати ижтимоий-сиёсий ҳаётни мувозанатга солувчи муҳим омил ҳам ҳисобланади.

Ўнг ва чап қанот ахиллари бўлиш фақат сиёсатнинг эмас, инсонларнинг диний мавкеларига алоқадор хусусият ҳамдир. Фақат сиёсий маънода ўнг ва чап қанотда бўлиш ҳар доим ҳам диний маънода айна мавкеда бўлишни билдирмайди.

*“Ўнг тараф эгалари. Ўнг тараф эгалари не(саодатлилар)дир?! Ва чап тараф эгалари. Чап тараф эгалари не(бадбахтлар)дир?! “ (Воқеа сураси 8-9 оятлар)*

Ғарбдаги замонавий сиёсий кучларнинг ўнг ва чап қанот жабҳалари ҳолида шаклланиши француз инқилобидан кейин ўртага чиққанлиги маълум.

Ҳозирги кунда масалан, Англияда Мухофазакор партия (Консерватив) мамлакат сиёсатининг ўнг қанот жаҳбасини, Ишчи партияси эса чап қанот жаҳбасини ташкил қилади. Норвегияда эса ўнг ва чап қанотдагилар парчаланиб кетишган, аммо иш сайловлардан кейин ҳукуматни ташкил қилиш масаласига келганда, ҳар икки қанотдаги партиялар дарров ўзаро ҳамкорликни йўлга қўядилар. Бу мамлакат сиёсатида-Христиан халқ партияси, Ўнг партия ва норвег миллатчиларининг асосий сиёсий кучи ҳисобланган ФКП (Келажакка ишонч партияси) ўнг қанот партияларидир. Уларга мухолифлик қиладиган Ишчи партияси, Социалистик партиялар Чап жабҳани ташкил қилади. Швеция ва Данияда ҳам шунга ўхшаш сиёсий ранг барангликни кўришимиз мумкин. Викапедия маълумотларида ўнг ва чап қанотни ташкил қиладиган сиёсий кучлар орасида радикалларнинг мавжудлиги ҳам таъкидланган. Ўнг қанотнинг радикаллари ирқчилар (фашистлар) ва диний радикаллар, чап қанотнинг радикаллари эса коммунистлар эканлиги маълум. Мусулмон ўлкалардан Туркия ва Мисрдаги сиёсий ҳолатни мавзумизга мисол сифатида келтирайлик. Туркияда Усмонли халифатининг сўнгги йилларида, яъни 20 аснинг бошларида кўп партиявий сиёсий жараёнлар ўртага чиқа бошлаганди. Мақсади халифаликни йиқитиш бўлган Иттихот (иттифоқ) ва тараккиёт фиркаси замонавий Туркиянинг

илк асосий сиёсий фиркаси. Кейинчалик халифат тугатилиб, унинг ўрнига туркия Жумҳурияти қурилгандан кейин Отагурк тарафидан Жумҳурият Халқ Фиркаси (партияси) тузилди. Бу партия 1950 йилгача ҳарбийларнинг қўллаб-қувватлашлари билан ҳокимиятни эгаллаб турди. Отагурк ҳаётлигида тузилган бошқа партиялар улар ўртага чиқар чикмас таъқиқланган. 1946 йилдаги сайловларда Демократик партия сайловларда ғолиб чиққан бўлса ҳам, ЖХП маккорлик билан сайлов натижаларини ўз фойдасига ўзгартиришга муваффақ бўлган.



## СИЁСАТНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

1950 йилдаги сайловлар натижасида ЖХП нинг яккахокимлиги тугатилган ва мамлакатда нисбатан бўлса ҳам кўппартиявийлик йўлга қўйилган. Нисбатан дейишимизнинг сабаби 1950 йилдан 2002 йилгача Туркиядаги сиёсат ҳарбийларнинг назорати остида бўлганлиги учундир. Ҳозирда Туркияда 30 га яқин сиёсий партия фаолият олиб борсада, улардан фақат 3 партия 2011 йилги сайловларда 10% деворни ошиб, парламентга киришга муваффақ бўлди. Булар Бош Вазир Эрдўғоннинг Адолат ва Тараккиёт Партияси, ЖХП ва МХП (Миллиятчи Ҳаракат Партияси). Курд ирқчиларининг БДП (Тинчлик ва Демократия Партияси) ҳам парламентга ўрин олган. Аммо бу партия 2011 йилги сайловларда 10% овоз олмаган бўлсада, бу партиянинг вакиллари мустақил номзодлар сифатида сайловда қатнашганлар ва депутат бўлиб сайлангандан кейин парламентда ўз гуруҳларини тузганлар. АКП, МХП ва бу икки партияга сиёсий дастурлари яқин бўлган партиялар (масалан, Саодат партияси, ББП ва ҳк) Туркия сиёсатининг ўнг қанотини, ЖХП, БДП ва бу икки партияга сиёсий дастурлари яқин бўлган партиялар (масалан, Ишчи партияси, ДСП ва ҳк) Туркия сиёсатининг чап қанотини ташкил қилади.

Мисрда диктатор Ҳусни Муборакнинг тахтдан ағдарилиши билан яқунлаган инқилобдан кейин ўтказилган сайловларда мусулмонларни тасмил қиладиган Эркинлик ва Адолат Партияси (Мусулмон биродарлар ҳаракатининг сиёсий жаҳбаси) ва Нур фиркаси (салафий ҳаракатининг

тамсилчиси) ғолиб келди. Бу ҳаракат ва фиркаларни Миср сиёсатининг ўнг жаҳбаси, дейишимиз мумкин. Миср сиёсатининг чап қанотини ташкил қиладиган Либерал “Ал-Вафд” ва секуляр “Ал-Кутла” фиркалари эса сайловларда мағлуб бўлдилар. Худди шунга яқин сиёсий ҳолатни яқинда ўтган Тунис ва Мароккаш сайловларида ҳам кўришимиз мумкин. Бутун бу айтилганлар кейин гапни бугунги Ўзбекистон сиёсий ҳаётига келтирайлик ва яқин келажакда тарихга айланадиган Ислом Каримов диктатураси ўрнини олиши эҳтимол бўлган янги ижтимоий-сиёсий тузумнинг асосларини таҳлил қилишга ўтайлик.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда диктатура тузumi мавжуд эканлиги ва у ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жаҳбаларини шол (паралич) қилганлиги баҳс-мунозара талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Аммо бу ўзбек жамияти тамоман қатл қилинди ва энди Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар қайта тирилмайди, деган маънони ҳам билдирмайди. Афғонистон муаммоси ва баъзи давлатларнинг манфаатлари сабаб бўлиб, дунё сиёсатининг асосий ўйинчилари (АҚШ, Овпууро Иттифоқи, Русия, Хитой) диктатор Ислом Каримов билан муроа қилишга мажбур бўлмоқдалар. Аммо бу ҳол ўтқинчи эканлигида ҳам ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ. Бошқа томондан нисбатан бўлсада эркинлик шароитида (1990 йилларнинг бошларида бўлгани каби) ўзбек жамиятининг жуда тез суръатда янгилинишга мойиллигини кўрсатганлиги ҳам бир ҳақиқатдир. Бундай шароитда аҳолининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қилгани учун мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи омилнинг (худди Туркия, Миср ва бошқа Ислом мамлакатларида бўлгани каби) Ислом дини бўлиши ҳам бир ҳақиқат. Зеро, Ислом Каримов диктатурасига қарши бўлган кучларнинг бир қисми исломий негиздаги ҳаракатлар эканлиги ҳам маълум.

Шу билан бирга Ислом Каримов режимига қарши сиёсий мухолифатнинг мавжудлиги ҳам маълум. Ҳозирда Ўзбекистон сиёсий мухолифати заиф бўлиб кўринсада (бунинг асосий сабаби сиёсий мухолифатнинг хорижда фаолият кўрсатишидир) аммо юкорида таъкидланган эркинлик шароитидаги халқимизнинг янгилинишга бўлган мойиллигини ҳисобга оладиган бўлсак, Каримов диктатураси тугар тугамас сиёсий мухолифатнинг қайта оёққа туришига ҳам ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак. Шундай экан, яқин келажакда Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳолат қандай бўлади, деган масалани ҳозирги кунданок долзарб, дея ҳисоблаймиз.

**Намоз Нормўмин**  
(Давоми келгуси сонда)

Бу мақола мавзуси Марказий Осиё мамлакатларининг бугунги чегаралари Коммунистлар томонидан қанчалик адолатли ёки адолатсиз ва қайси мезонлар асосида тақсим қилингани ҳақида эмас. Албатта бу масала ҳам қатта муҳокама мавзуси ҳисобланади. Мен бугунги мавжуд чегараларнинг пайдо бўлиши қанчалик давр талабига ҳамоҳанг ва ёки аксинча экани ҳақида баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Маълумки, ҳозирги марказий осие республикалари орасидаги мавжуд чегара ҳудудлари тикан симлар билан ўраб олинди, қуролли ҳарбийлар томонидан қўриқланади. Бугунги Ўрта Осиё мамлакатлари 20 йил олдин СССР давлати таркибда эди. Ва у даврда бу чегара чизиқлари фақат Ҳаритада белгиланган бўлиб тикан

симлар билан ўралмаган эди. Ўша пайтларда бу беш Республика аҳолиси бошқасига бемалол бориб келароларди. Бугунги мавжуд сунъий тўсиқлар мавжуд эмасди. Албатта СССРнинг умумий ҳудуди қаттиқ қўриқланган ва четга чиқиш қатта муаммо бўлган. Мана 20 йил бўлдики қизил империя йўқ. Лекин унинг асоратлари яна юз йилгача кетадиганга ўхшамайди. Минг йиллардан бери бу беш мамлакат ҳудудидаги халқлар ўзаро қандайдан бўлиб яшаб келишган. Булар орасида минг йиллардан бери тикан симлик чегаралар бўлмаган. Баъзи даврларда бу ҳудуд битта давлат бўлган. Коммунистлар боқинига қадар эса иккита Хонлик ва битта Амирлик ҳудуди ҳисобланган. Лекин ўша даврларда ҳам бугунги кундаги сунъий тўсиқлар мавжуд бўлмаган. Ўша пайтда яшаган халқлар бир подшонинг ҳудудидан иккинчисини ҳудудига бориши ва у ерда яшаб қолишига моненьлик қилувчи нарса бўлмаган. Ва айна имконият СССР даврида ҳам мавжуд бўлган. Бугун бу халқлар минг йиллик қўшнилар орасини тикан симлар билан ўралди. Чегаралар миналаштирилди. Қуролли ҳарбийлар қўриқлай бошлади. Виза деган даҳмаза пайдо бўлди. Ва халқлар у ёки бу давлатга боғланганини билдирувчи фуқаролик тушунчаси пайдо бўлди. Бу каби сунъий тўсиқлар бугун бу халқларнинг ўзаро борди келди қилиш имкониятини йўққа чиқарди. Эҳтимол бу нарсалар давр талабидир. Балки керакдир. Лекин давр талаби шу бўлса, демек, бугунги фан таҳника тараққиёти бизга кўп қулайликлар билан бирга кўп сунъий тўсиқлар ҳам олиб келган экан. Олдинги Қўқон Хонлиги ҳудуди

ҳисобланган Тожикистон Республикаси фуқаролари ҳозир Қўқонга келиши амри маҳол. Хива Хонлигини ери бўлган Туркманистонга бориш Ўзбекистонликлар учун амри маҳолдир. Келсаям юз йил олдинги имкониятлар бугун мавжуд эмас. Яъни, у ўша ерда ер сув сотиб олиб доимий яшаб қололмайди. Айтиш мумкинки, бугун биз юз йил олдинги аждодларимизданда ночор аҳволда яшаймиз. Ўзаро муносабатларни яхшилашга

## ШАҲАР БЕДАРВОЗАМИ, ЁКИ ШАҲАРГА ҚАНДАЙ ДАРВОЗА ҚУРИШ КЕРАК? (Ўрта Осиё республикаларидаги чегаралар муаммолари ҳақида баъзи мулоҳазалар)

тўсиқ бўлгучи омиллар бугун анчагинадир. Масалан тил, пул, дин, мазҳаб, сиёсий ва иқтисодий ва ҳаказо омиллар бугун мавжуддир. Бунга сабаб қилиб албатта бу Республикалардаги авторитар режимларни ва ёки диктаторларни шахсий амбицияларини ҳам кўрсатиш мумкин. Бўлиб ҳам Диктатор Каримов мамлакатни тикан симлар билан ўраб олишга биринчилардан бўлиб ҳаракат қилди. Мамлакат атрофини тикансимлар билан ўраб, темир бетон деворлар қуриб, хандаклар қазиб, ерларни миналаб қўйганини биламиз. Қанча одамлар бу миналарга тушиб ҳалок бўлишди. Булар халқлар манфаати учун қилинганмас албатта, балки ўша давлатлардаги ҳукмрон режимлар ўзини режимини сақлаб қолишга уринишлардир. Оддий халқ эса қўшни Республикаларга бемалол бориб келишни истайди. Савдо сотиқ учун ҳам бу айна муддао бўларди. Аммо, бунинг учун ўз халқини манфаатини ўйлайдиган ҳукумат керак бўлади. Диктаторлар бу каби ҳислатдан маҳрумдирлар. Айна муаммони ҳал қилишни имконлари ҳам мавжуд экан. Турли давлат ва чегаралар ва виза олиш каби даҳмазалар ортиқча бош оғриқ эканини ҳамма билади. Баъзи давлатларнинг раҳбарларини ўз фуқароларини у ёки бу давлатга визасиз бориб келишини таъминловчи қилишувлар имзолаганини эшитиб қоламиз. Бу ҳам оз бўлсада халқпарвар раҳбарларнинг ўша ортиқча даҳмазаларга чек қўйиш йўлидаги бир қадамидир. Бу масалада Европа иттифоқидаги Шенган ҳудудига дохл давлатлар анча илгарилаб кетишди. Бошқа

минтақалар булардан ўрناق олса бўладиган нарсалари жуда кўп.

28 та мамлакат ўзаро мавжуд бўлган ҳудудий тўсиқларни олиб ташлаб, битта умумий ҳудуд барпо қилдилар. Ва бу ҳудудда деярли битта пул муомиласи жорий қилинди. (Пул жиҳатидан Скандинавия давлатлари мустасно) Шимолий Европадан Испанияга қадар, Полшадан, Италияга қадар ҳудудда яшайдиган фуқаролар бемалол учокдами, поезддами, машинадами ўнлаб мамлакат оша сайр қилиши мумкин. Ҳеч ким уни йўлда тутиб паспортини сўрамайди. Машинасини текширмайди. Умуман фуқаролари учун муаммони ўзи йўқ. (Баъзи жиноий унсурлар бу имкониятдан фойдаланиб қолаётганини мустасно

қилганда) Буларнинг СССР дан фарқи анчагина. Бу ерда “қатта оға” йўқ. Бирорта ҳукмрон ғоя ёки шахс йўқ. Барчаси эркин ва очик ихтиёрийлик ва адолат устида қурилган. Европарламентга ҳам ҳар йили бир мамлакат вакили раислик қилади. Айна дамда эса Ўзбекистонда бир Вилоятдан иккинчисига бориш учун йўлда нечта милиция постида тўхтатиб тинтув қилишади. Хужжат текширишади. Бир мамлакат ичида ҳам бемалол юриш муаммо?! Марказий Осиё мамлакатлари ичида энг репрессив режим шубҳасиз Каримов режимидир. Каримов атрофдаги қўшнилар билан душманона муносабатлар олиб борди. Бу ҳам халқлар орасида муносабатларга салбий таъсир ўтказмай қолмади албатта. Ўрта Осиё Республикалар режимлари ҳам халқлар орасидаги мана шу каби муаммоларни ечишга ҳаракат қилишлари лозим эди. Бу давр талаби эди. Акс ҳолда биз ўша Хонлик давридаги имкониятлардан маҳрум бўлиб қолишимизни улар тушуниши керак эди. Улар ўз шахсий амбицияларини халқлар манфаатидан устун қўйишди. Бу каби қуроллик қўриқчилар кечая кундуз қўриқлайдиган ва миналаштирилган чегаралар халқларнинг манфаатига хизмат қилмайди албатта. Лекин диктаторларни маълум муддатгача сақлаб туришга хизмат қилиши мумкин ва шундай бўлаётди ҳам. Хулоса шуки, бу каби мустабид диктаторлар мавжуд экан бу муаммоларни яқин келажакда ҳал бўлиши ҳам даргумондир.

М. Абутов.

## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

*(Давоми: Боши ўтган сонларда)*

Мухаммад Солих Горбачёв раҳбарлиги даврида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини бошқарганида мустақиллик ва пантуркизм ғоялари кашфиётчиси эди. Каримов эса, бунинг акси ўлароқ, Ўзбекистон Компартиясининг саркотиби ва айна пайтда Москванинг республикадаги – “Московский сағрап”и, ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак – “исковуч ити” эди. Бироқ, Совет Иттифоқи қулаганидан сўнг, Каримов Мухаммад Солихнинг баъзи бир пантуркизм ғояларига ўзини мослай бошлади”.

Дарҳақиқат, Каримовнинг суюкли шиори бўлмиш – “Туркистан – бизнинг умумий уйимиз” Мухаммад Солихнинг саксонинчи йиллар сўнггидаги нутқларидан сўзма сўз кўчирилган. Фақат Мухаммад Солих ўз шиорининг ҳаётлигига ишонарди, Каримов эса – йўқ. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, у бир пайтлар ўз умрини бахш этган коммунистик ғоялар устидан қанчалар қулиб, масхаралаган бўлса, бу шиордан ҳам шунчалар ор қилгани аниқ. Ажабки, унинг ўз қўшниларига бўлган агрессив ва ноҳўя ҳатти-ҳаракатлари оқибатида Туркистон энг аввал Каримовнинг, шундан кейингина эса бошқаларнинг “умумий” уй бўлиши мумкин экан...

1990 йили Каримов Республика Олий Мажлиси (Парламент) га аъзо бўлиш учун атиги беш фоида коммунист бўлмаганларга рухсат берди. Ана шу озчилик орасида Мухаммад Солих ҳам бор эди. Каримов аслида шу йўл билан Мухаммад Солих раҳнамо бўлган муҳолифатни ўз тарафига олдириб олишни мақсад қилиб қўйган эди. Лекин унинг бу нияти амалга ошмади. Депутатлик мандатини қўлга киритган Мухаммад Солих энди ўзини олдингидан ҳам эркинроқ ҳис эта бошлади. У ҳатто Совет Иттифоқидан ажралиш ҳақида очик-ойдин гапира бошлади...

Режим таҳликага тушиб қолди. 1990 йилнинг 20 июнида Олий Кенгаш ўз йиғилишини Мустақиллик Декларацияси ҳақидаги баҳс ва тортишувлар билан бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислоҳ Каримов эса Олий Кенгаш залининг шоҳона пардалари ортига яшириниб олди. Худди шу муборак кунда Каримовнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, ўзбек Парламенти “Ўзбекистон мустақиллиги декларацияси”ни қабул қилди.

Декларация “ЭРК” партияси томонидан тайёрланиб, парламентга тақдим этилган эди.

Ўзбекистондаги русийзабон аҳоли «ЭРК» ка нисбатан “руслар ҳаракатиға қарши” деган фикрда эди. Аслида эса «ЭРК» янги бош кўтараётган сиёсий гуруҳлар орасида “Ўзбекистонда

руслар иштироки” масаласида энг мўътадилли эди...

“Ўзбекистон мустақиллиги декларацияси” қабул қилингандан сўнг Америкада чиқадиган “Балтимор Сан” газетаси шундай деб ёзган эди: “Июнь ойида Марказий Осиёдаги бу улкан давлат ўз мустақиллигини эълон қилди. Аксар кишиларнинг фикрича бу демократик ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг оқибатлари эса нима билан тугаши эса номаълум. Миллатчилик руҳидаги диктатор тузуми ўрнатилдими? Ёки Ғарб давлатларидагидек демократия ва ошқоралик бўладими? Ва ё инқилоблар – этник, фуқаролик урушларими? Ўзини зиёли сановчи “ақл бошлар” 1966 йилги зилзилани бошидан кечирган, айна пайтда эса хусусийлаштирилган эски шаҳар тарафдаги ошхоналарнинг бирида қўй гўштидан тайёрланган кабоб-шашлик устида айнан ана шундай долзарб масалалар устида бош қотирардилар...

- Биз эртага нима бўлишидан хавотирдамиз,- деди Олий Кенгашнинг ўша пайтдаги раиси Мирзаахмад Олимов,- миллатчилик тикини (джин национализма) шишадан чиқарилди, энди уни ортга қайтариш мушкул...

Олимов жаноблари Коммунистик партияга яқин одам. Ундан хафа бўлмаса ҳам бўлади...  
- Бизнинг халқимиз пахта плантациялари қулига айлантилди,- деди “ЭРК” партияси лидери, шоир Мухаммад Солих: “Биз русларга айтдикки, агар тенг ҳуқуқли бўлса, марҳамат, биз билан яшайверинг. Ҳолбуки, республикада ҳамма яхши иш жойлари русларга берилган бўлиб, маҳаллий ўзбек кадрлари ишсиз эди...”

### ПАРОКАНДАЛИК

Бу пайтга келиб фақатгина Литва ўз мустақиллигини эълон қилишга улгурди, холос. Бошқа республикалар эса ҳали бу даражага етолмаган эдилар. Республика Олий Кенгаши Мустақиллик декларациясини фавқулодда қабул қилган кунийёқ қаттиқ ваҳимага тушган Каримов ўша кунийёқ Андижонга жўнаб кетган эди. У Москванинг бу воқеага муносабатини ўша ердан қузатишга қарор қилди. Тошкентда эса ҳамма Мустақиллик Декларацияси расман эълон қилинишини интизорлик билан кутар эди. Бироқ на телевидения ва на радио ўша кун бу хусусда бирор бир хабар эълон қилишмади. Фақатгина Москвадаги “Время” дастуридан «Ўзбек парламентида содир бўлган воқеа» ҳақида қисқагина маълумот берилди, холос. Шунда Мухаммад Солих Премьер Министр Шукрилло Мирсаидов билан боғланиб, Парламент қарори зудлик билан эълон қилинмаса, пойтахт

кўчаларида оммавий норозилик митинги бошланишини айтиб, пўписа қилди. Шу заҳотиёқ Каримов Солихга телефон қилиб, яқин орада мустақиллик ҳақида расман эълон қилишларини билдирди. Ниҳоят эълон ҳам қилишди. Фақат, эртайиси куни. Ўшанда ҳам Декларация матни шундай таҳрир этилган эдики, гўё Ўзбекистон Иттифоқ бирлигига, агар у яхшилаб «янгиланса», қарши эмас эмиш... Ана холос! Бу – халқ вакиллари қабул қилган қарорга тамомила зид нарса эди. Бир сўз билан айтганда бу – бориб турган сотқинлик эди!

### РЕФЕРЕНДУМ

Москва Совет империясининг тез суръатлар билан таназзулга юз тутиши боис қаттиқ ваҳимага тушиб, республикаларга баъзи автономиялар бериш билан уни кутқармоққа беҳуда урина бошлади. Ҳолбуки, бу пайтга келиб парчаланиш тобора жадаллашиб борар, уни сақлаб қолишнинг сира иложи йўқ эди. Лекин шунга қарамай, «чиқмаган жондан умид» деганларидек, 1991 йилнинг март ойида “Янгиланган Социалистик Республикалар Иттифоқи учун” (За Обновленный Союз Социалистических Республик) мавзусида Референдум белгилашди. “ЭРК” партияси Иттифоқни сақлаб қолишга қарши овоз беришга қарор қилди. Партия раҳнамоси Мухаммад Солих аразлардан кейин биринчи марта «Бирлик» штабига келиб Референдумда қучларни жамлаб, “бир ёқадан бош қиқариб” ҳаракат қилиш таклифини билдирди. Пўлатовдан бошқа ҳамма унинг асосли таклифиға рози бўлиб, “ЭРК” нуктаи назарини маъқуллашди. Лекин барибир яқдил ҳаракат қилинмади. «Бирлик» раҳбарияти Референдум бўйича қарор қабул қилишни истамади. Унинг аъзолари эса мустақил фаолият юритиб, Референдумда «ЭРК»чилар билан бирга “қарши” овоз беришди... Давлат Хавфсизлик Қўмитаси (КГБ) қабул қилган дастур бўйича “Янгиланган Иттифоқ учун” (За Обновленный Союз) нафақат республика раҳбарлари, балки норасмий гуруҳ ва ташкилотлар ҳам овоз бериши керак эди. Бу ўша пайт учун жуда муҳим эди. Бу СССР нинг лигитимлиги, ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак, қонунийлигини сақлаб қолиш учун жуда зарур эди. Мустақиллик учун курашаётган Мухаммад Солих гуруҳига қарши ўлароқ Пўлатовлар дастур Иттифоқини сақлаб қолган ҳолда демократия учун курашар эдилар. Улар: «Агар Ўзбекистон мустақил бўлса, демократия бўлмайди» деган фикрни илгари сургандилар...

*(Давоми кейинги бетда)*

## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: боши олдинги бетда)

Бу КГБ ўйлаб топган мустақиллик кўриниши” модель независимости” эди. Айнан шунақа “кўриниш” ҳақида Пўлатовлар гуруҳи 1989-йилнинг охиридан гапира бошлаган эдилар: “1989 йилнинг октябрида 9 нафар “Бирлик”чи ташаббуси билан Ҳаракат номидан чиқарилган Декларацияда, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий масалалардаги Иттифоқ олдидаги маъсуляти Федерация асосида, иктисодий соҳаларда эса конфедерация асосида белгилаб қўйилган эди.” (Central Asian Survey, Vol.10. No.3, p.63) Шу билан бирга кўпчилик, мустақилликни қўлга киритгандан сўнг маҳаллий диктаторлар ўз сарҳадларини демократиялаштиришга қаршилиқ қилишларини ҳам яхши билишарди. Бу ҳақда Муҳаммад Солиҳ ҳам гапирган эди: “Биз икки зулм ва исканжа остида яшаймиз – буларнинг бири Москва бўлса, иккинчиси – маҳаллий ҳокимиятдир. Ҳар қалай, аввал асосий зулмкор – Москвадан кутулиш керак. Кейин эса ўзимизнинг – маҳаллий зулмдан қутуламиз”. Айнан шу Баёнот Давлат Хавфсизлик Кўмитаси (КГБ) нинг тизим ва структуралари томонидан Муҳаммад Солиҳни ҳукумат билан тил бириктиришда айбланиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Ундан кейин эса, Пўлатовларнинг “ЭРК” партияси ва унинг лидери Муҳаммад Солиҳга қарши олиб борган бутун «мухолифатдаги фаолияти»нинг асосий мазмуни, мақсад ва вазифасини ташкил этди. Одатда совет кишиси маълум ва машҳур бир одам атрофида мунтазам ва уюштирилган ҳолда олиб борилган тазйиқ ва таъқибдан сўнг, истайсизми, истамасизми, бу ерда КГБнинг қўли борлигини беҳтиёр сезиб қолади. Айни пайтда мени ҳам баъзи дўстларимиз ноҳолисликда айбламасликлари учун чет эл матбуотида чоп этилган мана бу далилларни келтириб ўтмоқчиман: “1990 йилнинг баҳорида Муҳаммад Солиҳ биринчи мартаба Америка Қўшма Штатларида келганида «Туркистон» жамияти унга гўёки “Бирлик” учун деб компьютер совға қилган эди. Ҳолбуки бу пайтга келиб Солиҳ аллақачон «ЭРК» ни тузган эди. Эҳтимол шунинг учунми, ҳар қалай Тошкентда, КГБ ёрдамида, яна уни “Бирлик” ка берилган совғани ўзлаштиришда айблай бошлашди”. Бу миш-мишларни ҳам айнан ўша Пўлатов тарқатар эди.

### ДАВЛАТ ТҶУНТАРИШИ (ПУТЧ)

Мулозимлар Совет Иттифоқини ҳеч қанақанга «янгилашни» лар сақлаб қололмаганини англаб етганларидан сўнг, бир неча юқори мартабали «оташин йигитлар» давлат тўнтариши ясаб, шу йўл билан “империя”ни

сақлаб қолмоқчи бўлишди. Лекин бу уриниш мағлубият билан якунланди. “ГКЧП” деб ном олган бу хунта атиги уч кунгина ҳукм сурди, холос. Бироқ шу қисқа муддат ҳам совет кишилари ва раҳбарлари учун яхшигина синов бўлди десак муболаға бўлмас. Бу қалтис вазиятни Ислоҳ Каримов ва унинг ҳукумати ҳам бошидан кечирди. Ушанда Ҳиндистон сафарида бўлган Ўзбекистон раҳбари самолёт бортидан хунта раҳбари Янаевга табрик телеграммаси йўллаб, ГКЧП қарорларини тўла қўллаб қувватлашини маълум қилди. Премьер Министр Шукрилла Мирсаидов эса барча матбуот нашрларига ГКЧП ҳужжатларини зудлик билан эълон қилиш топшириғини берди. Телевизордан сўзлаган депутатлар эса, Москвани ишонтириб, улар бошлаган иш Тошкентда аллақачон ўз самарасини бера бошлаганини башорат қилдилар...

“ЭРК” партияси 1991 йилнинг 19 августида Ўзбекистонда ГКЧП га қарши чиққан ягона сийсий ташкилот эди. Унинг бу борадаги Муроҷжат ва Баёнотини чет эл матбуот воситалари бутун дунёга эълон қилди. “ЭРК”чилар бу масалада аслида “Бирлик” билан қўшма Баёнот қилишни мўлжаллашганди. Лекин Пўлатовни Тошкентда топишолмади. Кейин маълум бўлишча у ўша кунгиз Бишкекка жўнаб кетган экан... Худди шу вазиятда “ЭРК” фавқулодда съезд чақириб, ҳукуматдан Март Референдуми боис бекор қилинган Ўзбекистон Мустақиллигини зудлик билан қайта тиклашни талаб қилди. “ЭРК” съезидан роппа роса беш кун ўтиб йиғилган Олий Кенгаш сессияси Ўзбекистон Мустақиллигини қайтадан эълон қилишга мажбур бўлди... Михаил Горбачёв ҳокимиятга қайтгани билан, унда энди олдинги салобат ва салоҳият йўқлиги ҳаммага аён эди. Унинг атрофида эмин эркин ўралашиб юрган бир одам бор эди ва ўзини энди бутун Кремлнинг соҳибидек тутарди. Унинг исми Ельцин бўлиб, воқалар ривожини ҳам ўз мантиқий якуни сари олиб борарди...

Ўзбек мухолифати эса «ЭРК» тимсолида ўз орзу умидларининг рамзи ўларок – мамлакатнинг мустақиллигига эришиш онлари яқинлашаётганини ич ичидан аниқ ҳис этиб турарди. Бу қутулгандан ҳам жуда тез содир бўлди. Ғарб тадқиқотчилари ўша дамларни шундай таърифлашади: “1990 йилнинг февралдан “ЭРК” партиясига асос солган Муҳаммад Солиҳ иқтидордаги тузум ичида ўз мақсади сари дадил ҳаракат қилаётган лидерлардан бири эди. Лекин бизнинг 1991 йил сентябридаги учрашувимиз Солиҳ фикрларининг бир оз эволюционлашганини

кўрсатди: “Ўзбекистоннинг тўлиқ мустақиллигига эришмай туриб на иктисодий, на маданий ва на бошқа озодлик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, деди у.”

### “НОРАСМИЙЛАР” НИНГ РАСМИЙЛАШУВИ

1991 йилнинг сентябрига келиб “Эрк” ва “Бирлик” Ўзбекистон адлия вазирлигидан расмий рўйхатдан ўтказилди. “ЭРК” ка бир мартаба телевидения орқали расмий мухолиф партия сифатида чиқиш қилишга руҳсат беришди. “ЭРК” газетаси чиқа бошлади. Қисқа фурсатда унинг тиражи 100 минг нусхадан ҳам ошиб кетди. Бу Ўзбекистон шароитида мисли кўрилмаган ҳол эди. Ислоҳ Каримов худди совет давридаги каби Парламентда Президент қилиб сайланди. Энди Президент сайловининг бу эскирган усулини янгилаш лозим эди. Ҳамма умумхалқ сайлови бўлишини орзу қиларди. Халқ кўтаринки бир руҳда эди. Каримовнинг тақдирини Президент сифатида ҳануз Парламентга боғлиқ эди. 1991 йилнинг Октябрида бир гуруҳ депутатлар собиқ бош вазир Шукрилла Мирсаидов раҳбарлигида Каримовни олиб ташлашга уриниб кўришди. Лекин гуруҳ уюшмаганлиги ва Мирсаидовнинг кўрқоклиги боис уриниш натижа бермади. Каримов сувдан қуруқ чиқди. Кейинчалик у бу “кичик исён» гуруҳи аъзоларидан шафқатсиз ва беаёв қасос олди. Озодлик атиги уч ой – 1991 йилнинг декабридаги Президентлик сайловларига давом этди, холос...

### ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ

Парламент Президентлик сайловларини декабрнинг охирида белгилади. “ЭРК” партияси Муҳаммад Солиҳни Президентликка номзод қилиб кўрсатди. “Бирлик” эса Халқ Ҳаракати ўларок сайловда иштирок этиши учун бир неча ўн минг имзо тўплаши керак эди. Каримов сайловда муқобил номзод бўлишини истамасди. У Муҳаммад Солиҳ сайлов кампанияси даврида номзодини қайтариб олади деб ишонар эди. Атрофидагилар унинг шундай умид қилишига ишонтиришган эди. Юқори мартабали мулозимлар Муҳаммад Солиҳдан номзодини қайтариб олишни илтимос қилишди. Лекин Солиҳ охиригача қурашишга қарор қилди. Бу сайловга халқаро муносабат ва кизиқиш жуда катта эди. Бир неча Ғарб делегациялари шахсан иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюришди. Америка Қўшма Штатлари сенатор Де Консин бошчилигидаги делегация жўнатишди.

(Давоми келгуси сонда)

## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Бу ҳолатдаги беморга ёрдам кўрсатиш учун: Беморга мутлако бир нарсалар едиришга эмас, 3-4 кун ҳеч нарса едирмасликка ғайрат кўрсатишимиз керак. Беморнинг иссиғи 39-40 даражага кўтарилганда ҳам иссиқ туширувчи қабул қилмасдан, аксинча, Аллоҳга шукр қилиш керак. 41 даражага чиққанида ҳам иссиққа сабр қилиш керак, чунки мияда ҳосил бўлган қолдиқлар фақатгина 40-41 даража билан эриб ташқарига чиқарилади. (“ФК- Конвулсиялар” бўлимига қаранг.)

Фақат иссиқлик 39-40 даражага кўтарилганида, касални терлашдан кейин совуққа яқин илиқ сув билан ювиш, унинг бошини совуқ сув ва муз билан муҳофаза қилиш керак. Иссиғи чиққан беморга аввал клизма қилиниши керак. Чунки ичаклар тўла бўлса, ичаклардаги барча захарлар қонга ўтади ва касалнинг ҳолатини оғирлаштиради.

Ичаклар бўш бўлган тақдирда захарларни қондан ва аъзолардан тортиб олади.

Ичаклар бўшаганидан кейин совуққа яқин илиқ сув билан ювинса бўлади. Тана захарларни терлаш билан чиқаргани учун касаллик давом этган муддатда ҳар кун камида 1-3 марта (аслида ҳар бир терлашдан кейин) ҳаммомга тушишнинг ёки сиркали ёки лимонли сув билан терини артишнинг катта фойдаси бор.

Бу 3-4 кун давомида йўтални енгиллатиш, буйрақларни ишлатиш ва муҳофаза қилиш, қонни суюлтириш ва тозалаш учун лимон ёки грейфрут шарбатини илиқ сув билан аралаштириб ичса бўлади. Фақат ичишни хоҳламаган беморга зўрлик билан ичирмаслик керак. Ичишни истамаслик - мия ёки ўпкада фақат қуруқ очлик билан эрийдиган метаболизма қолдиқлари ва тикилишлар мавжудлигининг ишоратидир. Қувватлангандан кейин туриб ҳаракат қилиш, юриш керак. Иссиқлик туша бошласа (2 ё 3чи кун), энгса остидан бошлаб белигача 9-11 дона кичик зулук кўйиш, ёки елкалар билан курак суяқлари орасидан хожамот қилиш керак бўлади. Умуман олганда, 4-чи кун касаллик тугайди ва киши уни унутади.

Фақат мукамал соғайиш учун 4-чи ёки 5-чи кун беморнинг иштаҳаси очилиши билан ўпкани юмшатиб, тозалайдиган ва йўтални кўлайтирадиган қуйидаги дорилар берилди: 3-4 ҳафта бўйи ҳар кун эрталаб 1-3 лимон ёки грейфрут шарбати сув билан ичилади.

Оч қолганда тартиб билан қуйидаги дорилар ичилади: Асал шарбатига 3-5 саримсоқ ёки 30-50 грамм пиёз суви аралаштирилади ва 2 ҳафта давомида ичилади. Асал шарбати 200 грамм илиқ сувга 1 чой қошиқ тоза асал

аралаштирилиб тайёрланади. Яшил ясмик, қоразира, жамбул қизил ёки қора қалампир билан пиширилади ва сузилади. Сузилган ясмик суви 3 кун давомида ичилади. 1 ош қошиғи тоза қовурилган зиғир ёғи, 14 та ўткир таъмли бодом, 3 та аччик бодом, бир чой қошиқ қичитқи ўти (газанда) уруғи майдаланиб, иккига бўлинади ва кунда 2 марта асал шарбати билан ичилади. Бу дори йўтални юмшатади, балғамни чиқаради, ўпкаларни тозалайди. 2 ҳафта давомида ичилади.

Ўпкаларни қувватлантириш хусусияти борлиги сабабли, 5-чи кундан бошлаб, 2 ҳафта давомида заъфарон ичилади: 1 тутам заъфарон 200 грамм сув билан аралаштирилади ва бир кун қутилганидан кейин сузилади. Бу сувдан 1-2 ош қошиғи кунда 2 марта сув билан ичилади.

**Ёки:**

1 кг тоза анжир (тоза анжир бўлмаса, ўрнига 250-300 грамм табиий қуриган анжир 2 пиёла сув билан намланади ва бир кеча қутиб, қўлланилади) + 3-4 дона долчин пўстлоғи + 2 пиёла сув + 1 пиёла шакар 10-15 дақиқа қайнатилиб, 5-6 соат қутилади. Сўнг ярим кило асал 2 қошиқ майдаланган занжабил қуқуни билан аралаштирилиб, 2-3 дақиқа паст оловда қайнатилади ва олов ўчирилади. Сўнг иссиқ сув билан аввал намланган 1 қошиқ заъфарон қўшилади, бир кун қутилади, кейин сузилади. Сузилганидан сўнг ҳосил бўлган шарбатдан 50 гр олиниб, ялпиз ёки жамбул чойи билан кунда 1-2 марта ичилади, унга қўшиб 1-2 дона анжир еса бўлади. 7-чи кундан бошлаб яшил ясмикли дори ўрнига қунига бир марта овқат еса бўлади. Соғайишнинг янада оддий йўли - 7 кун очлик қилиш. Натижаси мукамалдир. (“Очликлар” бўлимига қаранг.) Касалликка бу шаклда қаралганда, касаллик фойдага айланади: ҳам қон, ҳам барча аъзолар тозаланади. Кўрганингиздек, асл касаллик - янглиш озиқланиш ва янглиш яшаш тарзидир. Дардни даволайдиган нарса Аллоҳ берган иммунитет тизимидир. Бронхит ва пневмония иммунитет тизими учун бир восита ҳолос. Сабабни ташлаб, восита билан овора бўлиш, Аллоҳ Таолонинг қонунарига қарши қурашиш фойдасиз, ҳатто зарарлидир. Ҳадиси шарифда: “Касалларингизни еб-ичишга зўрламанг. Зеро, Аллоҳ уларни едиради ва ичиради”. Ва: “Бир кимсанинг тўхтамай уч кеча иссиғи чиқса, онасидан туғилгандай гуноҳлардан покланади”. Яна: “Олов олтин ва қумушни қирлардан тозалаганидек, қулнинг касаллиги унинг ҳатоларини кетказди”.

Ва: “Оз ейиш оз гуноҳдир”, дейилади. Бу ҳадисларда ҳатто, гуноҳ ва касаллик айни маънода

қўлланилмоқда. Бу ҳолда, дори ичиб ёки амалиёт йўли билан соғлом бўлишни қутиш ҳақсизликдир. “Касаллигингиз - гуноҳлар, дорингиз (шифоингиз) - истиғфор эканини унутманг.”

Бир аёл Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг олдиларига келиб: “Меннинг тутқаноғим бор. Вақти келганда кийимимни ечиб ташлайман. Аллоҳга дуо қилинг”, деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Хоҳласанг, сабр қил: сенга жаннат берилсин. Хоҳласанг, сенга шифо бериши учун Аллоҳга дуо қиламан”, дедилар.

Аёл: “Ундай бўлса, сабр қиламан”, деди. Бу аёл жаннат эвазига Аллоҳдан шифо истамай, сабр қилишни танлаган. Биз эса озгина хасталансак, сабабини суриштирмасдан, дориларга ёки амалиётга (операцияга) чопамиз ва... жаннатни умид қиламиз! Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кишига икки табиб келтириб, “Бу одамни даволанг”, дедилар. Табиблар: “Эй, Расулulloҳ, бизлар жоҳилият пайтида дори тайёрлардик, касалликни даволардик. Исломга кирганимиздан бери таваккални танладик”, дейишди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Уни даволанг”, деди.

Демак, касалликка сабр ва таваккал энг мукамал танловдир, аммо таваккал қила олмаганларнинг даволаниши ҳам жоиз.

Фақат даво изларкан, “Ҳаром билан даволанманг”, деган ҳадиси-шарифни унутмаслик керак. Кам ейишни бошлаганлар бу ҳадислардаги ҳақиқатларни қисқа пайт ичида тушуниб олишади.

Тарихнинг ҳеч бир даврида бизнинг замонимиздаги каби зарарли, тўқин ва турли таомлар бирданига истеъмол қилинмаган.

Бугунги инсон жигари - ахлат челагига, вужуди эса - касаллик қопига айланган. Бу ҳолатдан дори ёки амалиёт билан қутулишни режалаш фожеа микёсини қамрай олмасликдан келиб чиқади.

Кўп ейиш ва нотўғри озиқланиш одатини ташламасдан, ошқозон ва ичаклар даволанмасдан, ҳазм тузатилмасдан, жигар тозаланмасдан, рўза тутмасдан ҳеч бир таом, табиий бўлса ҳам, ҳеч бир дори ёки ўсимлик баданининг яхшиланишини таъминлай олмайди. Соғайишни Аллоҳ Таоло томонидан ҳар бир жонзотнинг баданига жойлаштирилган соғайтириш ускунаси амалга оширади. Қолган воситалар фақатгина соғайиш пайтида ёрдам қилишади. Аллоҳ Таоло Одам (а.с.)ни яратиб, унга озуқалар яратди. Турли овқатлар учун турли ҳазм аъзоларини тайёрлади. Бу аъзоларни ўзгартириш ёки уларга бирон нарсани қўшимча қилишнинг имкони йўқ. Демак, уларга суянишдан бошқа чорамиз йўқ.

(Давоми кейинги бетда)

## АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

(Давоми. Боши олдинги бетда)

“Енглар, ичинглар, фақат исроф қилманглар. Аллоҳ исроф қилганларни ёмон кўради”. (“Аъроф” 31 оят).

“Эй, иймон келтирганлар! Агар сиз ёлғиз Аллоҳга қуллик қилсангиз, сизга берган ризқларнинг яхши ва тозаларидан енг ва Аллоҳга шукр қилинг”. (“Бақара” 172 оят).

“Бас, Аллоҳнинг оятларига ишонган кимсалар бўлсангиз, Аллоҳнинг номи устига зикр қилинган таомлардан енг”. (Анъом 118 оят).

### Сув

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) “Бу дунёда ва нариги дунёдаги энг яхши ичимлик сувдир”, деганлар. Ер юзиде сув кўп, аммо ҳамма сув ҳам ичилавермайди.

Чунки метаболизм фақатгина муз структурали сув, яъни енгил сув билан соғлом ишлаши мумкин.

Инсон вужуди ўзининг барча фаолиятларини ягона эритувчи бўлган сув воситасида амалга оширади. Бадан намлигининг мувозанатда сақланиши, таомларнинг ҳазм қилиниши,

озик моддаларнинг сўрилиши ва ҳужайраларга етказилиши, ортиқча ва зарарли моддаларнинг эритилиши, ташқарига чиқариб юборилиши шулар жумласидандир.

Протеин молекулаларини инсон вужудида бирлаштириб, тутиб турган нарса енгил, муз структурали сувдир.


Бинонинг қурилишида цементнинг сифати қанчалик муҳим бўлса, инсон вужуди қурилишида ҳам сув сифати шунчалик муҳимдир. Цемент сифатли бўлса, бино юз йиллаб туради,

сифатсиз бўлса, қисқа вақтда бузилиб кетади. Сув молекулалари қувват боғи билан бир-бирига боғланиб, структурали қафас ташкил қилади. Молекулаларни бир жойда тутган қувват боғи ташқаридан келган ижобий ва салбий таъсирларга очик ҳолатдадир.

Сувни енгил ёки оғир ҳолга келтирадиган нарса қувватнинг ижобий ёки салбий бўлишидир. Япон тадқиқотчиси доктор Масару Эмото йиққан сув намуналарини музлатиб, расмини олган. Табиий оққан сувлар чиройли кристаллар ҳосил қилган. Кран суви эса кристаллашмаган, кристаллашса ҳам бузук кристаллар ҳосил қилган.

“Севги”, “Шукр” ва “Фаришта” сўзлари битилган этикетлар ёпиштирилган шишаларга солинган сув чиройли кристаллар ҳосил қилса, “Шайтон” сўзи ёзилган этикеткали шишадаги сув коп-коронғу тешик шаклини олган.

Сув турли мусиқа ва расмларга ҳам турли реакциялар кўрсатган. Телевизор, компьютер, мобил телефон ва микротўлкинли печдан тарқалаётган электромагнит тўлкинларнинг сувга кўрсатган таъсирларининг расмлари ҳам шу услубда олинган.



Бу расмлардаги кўриниш “Шайтон” сўзи натижаларига жуда ўхшаш. Ташқаридан келган сўз, мусиқа, электромагнит тўлкинлар ва образлар шишадаги сувни қандай таъсирлантирса, инсон вужудини ташкил қилган 70% сувни ҳам айни шаклда таъсирлантиради.

Оддий ёзувлар, сўзлар сувга шунчалик таъсир қилса, “Аллоҳ” каломини, Қуръон оятлари сувга қандай таъсир этишини тасаввур қилаоласизми? Дарҳақиқат, Қуръон ўқилган сув билан барча жисмоний ва руҳий касалликларни даволаш мумкин.

Илмий тадқиқотларга кўра, қўлланилган сув руҳ, бадан ва зеҳн соғлигига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Касал баданда суюқлик айланиши турғун ҳолга келиб қолгани маълум бўлган.

Соғлом бўлиш учун бадандаги 70% сувни тозалаб, енгиллаштириш керак бўлади. Фақат манбасидан олинган сув тоза бўлади. Сувларнинг энг устуни замзам сувидир. Тоғ музларидан ва эриган қорлардан дарёларга оққан сувлар соғлом сувлардир. Хусусан, тепа булоқлардан, пастга, тошларга тушган, тез ва кўп оққан, тўхтамай ҳаракатда бўлган енгиллашган сувлар соғлиқ учун фойдали ҳисобланади.

Ёмғир суви ҳам енгил сувлардандир. Аммо ёмғир сувини ёмғир ёғишни бошлаганидан 15-20 дақиқа кейин олиш керак бўлади.

Чунки бошда-ги томчилар билан ҳаводаги кирлар тозаланади. Ёмғир суви ич кетишини (диареяни) тўхтади, жигар ва буйрак касалликларини енгиллаштиради. Булоқ сувини топиш имкони бўлмаганлар учун энг енгил, энг фойдали ва таъми ширин сув - муздан эритилган сувдир.

Эмалли идишларга сув тўлдириб, музхонада музлатилиб, сўнгра эритилади ва тагига тушган қолдиқлар ташлаб юборилади. Сув эриганидан 10-12 соат жонли қолади, кейин эса оғирлаша бошлайди ва таъми ўзгаради. Сув оғирлашишининг олдини олиш ва уни шифоли ҳолга келтириш учун сувга Қуръони Карим ўқиш керак. Қатик суви, мева ва

сабзавот сувлари енгил, жонли ва шифоли сувлар ҳисобланади. (Янги мева, сабзавот, тарвуз ва қовун еган кишининг сувга эҳтиёжи қолмайди)

Юқори сифатли сув бўлмаган жойларда мева, сабзавот, тарвуз ва қовун ейилса ёки мева сабзавот сувлари ичилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Кўл суви, ҳаракатининг озлигидан оғир сув ҳисобланади. Ер ости сувларининг, ғор ва қудук сувларининг таркиби эса қаттиқ бўлади. Дарё суви билан қудук сувининг қоришмаси, қайнатилган ва қайнатилмаган сувларнинг аралашмаси, ичига муз солинган сувлар соғлиқ учун зарарлидир. Чунки турли таркибли сувларни бир пайтда ичмоқчи бўлган киши 4-5 соатлик танаффус билан ичиши керак-ки, биринчи ичилган сув иккинчиси келишидан аввал танани тарқ этган бўлсин.

Идишларда сақланиб, дўконларда сотиладиган сувлар энг оғир сувлар ҳисобланади. Вужуд бу сувларни енгиллаштиришда қийналади, кўп қувват сарфлайди, тез чарчайди ва қарийди. Бу сувларни жонлантириш учун сувни ўқиш ёки қайнатиб, кейин музлатиш ёки ичишдан аввал пиёладан пиёлага 3-7 марта “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”, деб, ҳаракатлантириш керак. Бу ҳаракат сувдаги салбий қувватларни кетказиб, сувни енгиллатади.

Ҳар таҳорат олгандан сўнг бир неча ютум сув ичиш суннатдир. Бомдод номози пайти, таҳорат олгандан кейин ичилган бир неча ютум сув ичаклардаги ахлат ва газни ҳаракатлантириб, чиқариб ташлайди. Катта таҳоратда қабизлик муаммоси бўлганлар эрталаб ярим ёки бир пиёла совуқ ё илиқ сув ичишлари керак. Соғлом ва ёш бўлиш учун кишининг кунда 1-2 пиёла енгил (ўқилган сув, ёмғир суви ёки муздан янги эритилган сув ҳам бўлади) сув ичишга ва совуқ сувга одатланиши керак. Совуқ сувнинг жойини ҳеч нарса тўлдиролмайди. Расулulloҳ (с.а.в.) сувни уч нафасда ичар, унинг тўйимли, касалликлардан сақловчи ва соғлиққа фойдали эканини айтар эдилар.

### ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир  
Камолитдин Йўлдош